БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 152
10 СЕНТЯБРЬ
ЖУМА
1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Савдо ташкилотларининг пахта йиғим-терими давридаги вазифалари

Областимиз колхозчилари, совхоз ва МТС ишчиларининг йил бўйи қилган фидокорона меҳнатлари туфайли колхоз, совхоз далаларида пахтадан ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етилган ҳосилни қисқа муддатларда сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун социалистик мусобақани кенг ривожлантириб юбордилар. Ҳозирги кунда колхоз, совхоз далаларида пахта йиғим-терими оммавий тус олиб бормоқда.

Область қишлоқ хўжалик ходимлари олдига бу йил давлатга 500 минг тонна пахта топшириш каби муҳим вазифа қўйилган. Бу вазифани тўла ва ошириб бажаришда область савдо ташкилотларининг ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшишлари лозим. Савдо ташкилотлари ходимларининг вазифаси — колхозчиларнинг, қишлоқ интеллигенциясининг, совхоз ва МТС ишчиларининг халқ истеʼмол қиладиган молларга, колхозларнинг эса ишлабчиқариш ва хўжалик учун керакли молларга бўлган эҳтиёжларини мукаммал қондириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилишдан иборатдир.

СССР матлубот кооперацияси вакилларининг шу йил июнь-июль ойларида бўлиб ўтган IV сʼезди матлубот кооперацияси ҳаётида катта воқиа бўлди. Сʼезд қишлоқ савдо тармоқларининг сўнгги йиллардаги ривожланиш якунларини тўплади ҳамда Марказий союз ва унинг маҳаллий органлари ишидаги рўй берган камчиликларни жиддий, принципиаль танқид асосида очиб ташлади. Сʼезд қишлоқда совет савдосини янада ривожлантириш тадбирларини белгилаб берди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг СССР матлубот кооперацияси вакилларининг IV сʼездига юборган табриги матлубот кооперацияси, савдо ходимлари олдида турган муҳим вазифаларни белгилади. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бу тарихий табригида совет халқи мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини янада яшнатиш учун, қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш ҳамда аҳолини халқ истеʼмол қиладиган моллар блан кўпроқ таʼминлаш учун муваффақиятли равишда курашаётган бир вақтда, қишлоқда савдо қилучи асосий ташкилот бўлган матлубот кооперациясининг роли янада ошаётганлиги аниқ кўрсатиб берилган эди.

Область матлубот кооперациясининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табригидан бениҳоя руҳланган ходимлари IV сʼезд қарорларини амалга ошириб, қишлоқда совет савдосини янги, янада юксак даражага кўтариш учун курашмоқдалар. Ҳозир областимиз қишлоқларида 1247 маҳсуслаштирилган магазин, 238 дўкон, 297 умумовқатланиш муассасалари қишлоқ аҳолисига хизмат қилмоқда. Область районларида савдо тармоқларини янада кенгайтириш — янги магазинлар, ошхоналар қуриш учун давлат томонидан 13 миллион 337 минг сўм маблағ ажратилган. Бу маблағдан ўз вақтида тўғри фойдаланиш аҳолига савдо хизматини янада яхшилашга катта ёрдам беради.

Область матлубот кооперациясининг савдо тормоқлари август ойи мол оборот планини 106.8 процент бажардилар. Шу жумладан Юқоричирчиқ, Оҳангарон, Калинин, Мирзачўл район матлубот союзлари мол оборот планларини 130—140 процентга етказиб бажардилар.

Бу фактлар матлубот кооперациясининг ўз олдига қўйган вазифани муваффақиятли бажариш учун барча имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Брок областьдаги барча район матлубот союзлари мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиб, ўз зиммаларига олган вазифаларни яхши адо этаётирлар деб бўлмайди. Кўпгина район матлубот союзлари август ойи мол оборот планларини бажармадилар. Бунга мол оборотини фақат 72,4 процент бажарган Верхне-волинск, 79,2 процент бажарган 3-нчи Боёвут совхози ва бошқа район матлубот союзлари мисол бўлаолади. Область матлубот союзи август планини фақат илғор район матлубот союзлари ҳисобига ошириб бажарди. Шуни ҳам айтиш керакки, қишлоқ аҳолиси учун энг зарур бўлган моллар савдо оборот плани бажарилмади.

Область матлубот союзи пахта йиғим-терим даврида колхозлар учун зарур бўлган моллар ва материалларни ўз вақтида етказиб бермаётир. Область колхоз, совхоз ва МТСларида, айниқса дала шийпонларида саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари блан савдо қилиш яхши ташкил этилмаган. Пахта йиғим-терими даврида ташкил этилиши лозим бўлган 160 кўчма дўкондан 98 таси ташкил этилди, холос. Ташкил этилган дўконлар ҳам саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари блан тўла таʼмин этилмаётир.

Матлубот кооперациясининг айрим савдо ташкилотлари ўз вазифаларига эʼтиборсизлик блан қарамоқдалар. Колхоз, совхоз ва МТСларнинг ишлабчиқариш ва хўжалик молларига бўлган талаблари тўла қондирилмаётир. Савдо ходимлари маҳаллий саноат корхоналари, ҳунармандчилик артельлари блан мустаҳкам алоқада бўлиб, ҳозирги кунларда колхозлар учун энг зарур бўлган — арава, автокачка, шунингдек от-араба асбоблари, қоп-қанор ва бошқа қишлоқ хўжалик моллари тайёрлашга етарли эʼтибор бермаётирлар.

Матлубот кооперацияси ходимлари олдида турган энг муҳим вазифа — кооператив савдосини тубдан яхшилаш, ҳарбир қишлоқ районида аҳолига зарур бўлган барча молларни узлуксиз сотишни таʼминлаш, қишлоққа келтириладиган молларнинг сифатини ҳартомонлама оширишга эришиш, жамоат овқатланиш муассасаларининг шоҳобчаларини кенгайтириш ва уларнинг ишини яхшилашдан иборатдир. Матлубот кооперациясининг ходимлари қишлоқ аҳолисини маданий молларга тобора ўсиб бораётган талабларини ҳартомонлама қондиришга, китоб, радиоприёмник, стол-стуллар, қошиқ, вилкалар, турли электр асбоблари ва бошқа зарур моллар блан савдо қилишни яхшилашга алоҳида эʼтибор беришлари керак.

Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг системали равишда тинмай ўсиб бориши барча кооперация ташкилотларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашёё тайёрлашни ҳамда сотиб олишни тубдан яхшилашни талаб этмоқда. Колхозлар ва барча колхозчиларнинг ўз маҳсулотларини сотишларига ҳамма чоралар блан ёрдам бериш ҳамда шу йўл блан қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини тобора ривожлантиришга ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини оширишга имкон туғдириш матлубот кооперациясининг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Матлубот кооперацияси ходимларининг колхозчиларнинг ўзлари етиштирган маҳсулотларини ташкилий суратда сотишни уюштиришлари колхозчиларнинг бозор-ўчарга боришдан қутилтиради, уларнинг меҳнат унумини оширишларига ёрдам беради.

Матлубот кооперацияси раҳбарлари ва партия, касаба союз ташкилотларининг ҳозирги муҳим вазифалари колхоз, совхоз ва МТС ларда, шунингдек дала шийпонларида — умуман колхозчилар ва механизаторлар кўп тўпланадиган жойларда кўчма дўконлар ташкил қилиш, колхозчилар, совхоз ва МТС ишчиларини бевосита даланинг ўзида саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари блан таʼминлашни ташкил қилишдан иборатдир. Энг муҳим моллар биринчи навбатда пахта териш ва топшириш блан банд бўлган колхозчи ва механизаторларга етказиб берилиши лозим.

Савдо тормоқларининг партия ташкилотлари дала шийпонларида хизмат қиладиган савдо ходимлари ўртасида социалистик мусобақани кенг ривожлантиришлари, шу йўл блан уларнинг колхозчиларга яхши хизмат қилишларига эришишлари лозим. Кўчма дўконларда хизмат қилаётган илғор савдо ходимларининг тажрибаларини кенг оммалаштириш, илғорларни рағбатлантириш, қолоқларнинг илғорларга етиб олишларига ёрдам бериш партия ва касаба союз ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Пахта йиғим-терими даврида савдо ходимларининг муҳим вазифаси колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари ўртасида маданий савдони яхшилаш йўли блан қишлоқ хўжалик планларини тўла ва ошириб бажариш, колхоз ва совхоз далаларида етиштирилган мўл пахта ҳосилини сра нобуд қилмай йиғиб-териб олишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Болгария озод қилинганлигининг ўн йиллигини нишонлаш юзасидан Москвада тантанали йиғилиш

Совет кишилари болгар халқининг миллий байрамини — Болгария озод килинганлигининг ўнйиллигини кенг нишонламоқдалар.

8 сентябрьда Союзлар Уйининг Колонна залида бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу тарихий кунга бағишланган эди.

Зал Болгария Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари блан безатилган эди. Йиғилиш қатнашчилари — пойтахт жамоатчилигининг вакиллари Болгария Халқ Республикасининг Элчиси К. Т. Лукановни, Москвага меҳмон бўлиб келган Болгария-Совет жамияти иттифоқининг раиси доктор Иван Пашовни, ёзучи академик Людмил Стояновни, Болгар-Совет жамиятлари иттифоқи, Болгария Славянлар комитети ва четэллар блан дўстона ва маданий алоқалар қилучи болгар комитети бирлашган делегациясининг аʼзоларини, шунингдек Болгария касаба союзларининг делегациясининг аʼзоларини самимий кутиб олдилар.

СССР Фанлар Академияси славяншунослик институтининг директори профессор П. Н. Третьяков «Болгария Халқ Республикаси социализм қуриш йўлидан бормоқда» деган темада доклад қилди.

Йиғилишда Болгария Элчиси К. Т. Луканов ва болгар бирлашган делегациясининг раҳбари машҳур жамоат арбоби Никола Георгиев нутқ сўзлаб, Совет Иттифоқи халқларига қардошлик саломи топширдилар.

Йиғилиш концерт блан тугади. Концертга болгар ва совет санʼатининг усталари қатнашди. (ТАСС).

Пахтачилик юзасидан бўладиган илмий сессияда қатнашиш учун олимлар делегациялари Тошкентга келди

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва СоюзНИХИнинг пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан бўладиган илмий сессиясида қатнашиш учун Москвадан ва қардош республикалардан олимлар делегациялари Тошкентга келди.

СССР Фанлар академиясининг академик И. В. Тюрин бошлиқ делегацияси составида академик И. И. Артоболевский, физика-математика фанлари доктори Х. А. Рахматуллин, биология фанлари доктори Ю. В. Рақитин, техника фанлари доктори В. Т. Костицин ва бошқалар бор

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг делегациясига академик Т. Д. Лисенко бошчилик қилмоқда. Бу делегация аʼзолари орасида — Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий аʼзолари И. С. Варунцян, И. А. Шаров, П. А. Баранов ва бошқалар бор

Шунингдек Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қирғизистон, Арманистон, Қозоғистон Фанлар академияларининг ҳамда СССР Фанлар академияси Молдавия филиалининг делегациялари ҳам келдилар. (ЎзТАГ).

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида пахтакорларнинг тўқимачилар блан учрашуви

Виставканинг катта кино залида 7 сентябрьда Ўрта Осиё ва Заказкавказье республикаларининг пахтакорлари Москва шаҳри ва Москва области тўқимачилик саноати ходимлари блан учрашдилар.

Виставка директорининг ўринбосари ўртоқ Трошин йиғилишни очиб, СССР да пахтачиликнинг муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб берди. Пахта экин майдони 1913 йилдагига нисбатан уч баравар кенгайди, пахта ҳосили ва тола сифати жиҳатидан мамлакатимиз жаҳонда биринчи ўринни олди. Тўқимачилик саноати ва хўжаликнинг бошқа тармоқлари ўз ватанимизда етиштириладиган пахта блан таʼминланган. Кўпгина МТСлар, колхозлар, совхозлар, бутун-бутун районлар ва областьлар биринчи даражали қишлоқ хўжалик техникасини ва агротехниканинг илғор усулларини моҳирлик блан қўлланиш натижасида катта майдонларда пахтадан мўл ҳосил олмоқдалар. Масалан, Тожикистон ССР, Сталинобод области пахта ҳосили жиҳатидан республикада ҳам, мамлакатда ҳам биринчи ўрин олди; бу районда ўтган йили қарийб олти минг гектар ернинг ҳар гектаридан 37,5 центнердан ҳосил олинган.

Туркманистон ССР, Тошкўз областининг Ленин районидаги Тельман номли қишлоқ хўжалик артели ранси, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Оразгелди Эрсалиев пахта ҳосилини ошириш учун курашаётган колхозчиларнинг фаровонлиги қандай ўсиб бораётганлиги ҳақида сўзлаб берди. 1953 йилда бу колхоз 1030 гектар ернинг ҳар гектаридан 34,6 центнердан пахта етиштирди ва ўнбеш миллион сўмдан кўпроқ даромад олди. Ҳар меҳнат кунига 28 сўму 25 тийиндан пул ва 4,7 килограммдан ғалла тақсимлаб берилди. Бу йил МТС механизаторларининг ёрдами блан пахта экин майдони 1.600 гектарга етказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Наманган областидаги Уйчи биринчи МТС бригада механиги Озанбой Амиралиев, Арманистоннинг Арташат районидаги Свердлов номли колхоз агрономи Оганес Аветисян, Озарбайжоннинг Агжабедин районидаги Сталин номли қишлоқ хўжалик артели звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. А. Мамедова ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Пахтакорлар Москва атрофидаги «первое Мая» фабрикаси йигирувчиси Раиса Богомолова ва «Трехгорная мануфактура» йигирувчиси Надежда Полинованинг сўзини зўр эʼтибор блан тингладилар.

Учрашув қатнашчилари мамлакатнинг барча пахтакорларига мурожаат этиб уларни 1955 йилги виставкада қатнашиш ҳуқуқи учун оммавий социалистик мусобақа бошлаб юборишга чақирдилар. (ТАСС).

Белгиланган хизмат муддатини ўтаган ҳарбий хизматчиларни Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти сафларидан бўшатиш ҳамда Совет Армиясига навбатдаги чақириқни ўтказиш ҳақида

ССР Иттифоқи Мудофаа Министрлигининг

БУЙРУҒИ

Москва шаҳри. № 160 1954 йил, 8 сентябрь.

Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонунга мувофиқ **буюраман:**

1. Ҳақиқий ҳарбий хизмат юзасидан Қонунда белгиланган муддатни ўтаган солдат, матрос, сержант ва старшиналар Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлар сафларидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг 1-нчи параграфида кўрсатилган ҳарбий хизматчилар бўшатилиши муносабати блан, 1935 йилда туғилган ва енгиллик олиш ҳуқуқи бўлмаган ҳамда чақирилиш муддати кечиктирилмаган гражданлар, шунингдек чақирилиш муддати ўтиб кетган ва тенгқурлари ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган чақириқ ёшидаги гражданлар Совет Армиясида, Ҳарбий-Денгиз Флотида, чегара ва ички қўшинларда ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилсин.

3. Бу буйруқ барча роталарда, эскадронларда, батареяларда, эскадрильяларда ва корабльларда эʼлон қилинсин.

ССР Иттифоқи Мудофаа Министри
Совет Иттифоқи Маршали Н. А. БУЛГАНИН.

Областимизда

ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

Областимиздаги полиграф саноати корхоналарида Ўзбекистон ССРнинг шонли 30 йиллигини муносиб нишонлаш учун бошланган социалистик мусобақа кенг авж олмоқда. Шаҳар ва район босмахона коллективлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф блан бажариш учун барча куч ва техника воситаларини сафарбар этмоқдалар. Улар меҳнатда ижодий ташаббус кўрсатиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик программаларини муддатидан илгари бажариб, катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Областьдаги Олмолиқ шаҳар босмахонаси коллективи ҳар қачонгидан ҳам унумли ишлаб, меҳнатда янги ютуқларга эришмоқда. Босмахона ишчи ва хизматчилари мавжуд машина ва ускуналардан унумли фойдаланиш, ҳомашёё ва ёрдамчи материалларни тежаб-тергаб сарфлаш, меҳнат унумини ошириш натижасида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик топшириғини муддатидан 4 ой илгари — 1 сентябрьда 109 процент бажарди. Босмахонанинг ватанпарвар ишчилари 8 ой ичида кўп миқдорда ёқилғи ва мойлаш материаллари тежадилар. Улар бу тежалган хомашёё ва ёрдамчи материаллар ҳисобига йил охиригача яна 40 процент қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Ҳарф теручилардан Н. Аҳмедова, Ф. Давлатшина, Ш. Пиртягина, муқовачи И. Белова, печатник Р. Холматов ўртоқлар систематик ривожда кундалик иш нормаларини 150—160 процентдан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

У. МАДРАҲИМОВ.

АРТЕЛЬ КОЛЛЕКТИВИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Ташоблпромсоюзга қарашли «XVIII партконференция» артелининг меҳнатсевар коллективи республикамизнинг 30 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ишлабчиқаришда ажойиб ғалабаларни қўлга киритмоқда.

Артельдаги цехлар, бригада ва барча ишчилар ўртасида юбилейолди мусобақаси қизитиб юборилган. Август ойи ишлабчиқариш топшириғини 6 ҳиссадан ортиқ қилиб бажарган ўртоқ А. Мастов бошчилигида пахта тозалаш цехининг ишчилари цехлараро мусобақада биринчи ўринда бормоқдалар. Шунингдек, август ойи планини намат цехи 466,4 бош кийимлар цехи 246,4 галантерия цехи 131,7 ва локлаш цехи 121,5 процентга етказиб бажардилар. Август ойида артель коллективи 860 минг сўмлик ўрнига 1 миллион 65 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ойлик планни 182,2 процент бажарди.

Ватанпарвар ишчилар 8 ой мобайнида йиллик топшириқни бажариш блан бирга пландан ташқари 391 минг 800 сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Артель коллективи яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилишда Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги ва Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига янги мажбурият қабул қилди. Ишчилар йил охиригача аҳоли учун яна 3 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

Х. ЖАЛИЛОВ.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ЎРГАНИШ УЧУН

Мамлакатдаги илғор районларнинг янги ерларни ўзлаштириш, бу ерларда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш учун яқинда Сирдарёё ва Верхне-волинск районларидан бир группа колхозчилар Москвага, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига жўнаб кетдилар.

Сирдарёё районидаги «XVIII партсʼезд колхозидан виставкага бригада бошлиғи ўртоқ Қулмурод Норматов юборилди. Ўртоқ Норматов бошчилик қилаётган бригада аʼзолари 70 гектар янги ер ўзлаштириб, мўл пахта ҳосили етиштиришга эришганлар.

Ўтган йили 63,5 гектар янги ерни ўзлаштириш муваффақ бўлган шу райондаги Тарас Шевченко номли колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ Бурҳон Зокиров ҳам виставкага жўнаб кетди.

ОЗАРБАЙЖОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалик ходимлари делегацияси 8 сентябрьда Тошкентга келди. Делегация Ўзбекистоннинг колхоз, совхоз ва МТС ларига бориб, қардош республикаларнинг пахтакорлари ўртасида тузилган социалистик мусобақа шартномаси қандай бажарилаётганлигини текширади. Делегация составида — Озарбайжон КП МК қишлоқ хўжалик бўлими далачилик группасининг мудири Л. Ражабова, Тауз район партия комитетининг секретари К. Дунамалиев, Саатли район ижроия комитетининг раиси А. Велиев, Озарбайжон ССР Сув хўжалиги министрлиги Собиробод сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи А. Алиев, Барда МТСнинг бош агрономи З. Оғаев, Карягин районидаги Киров номли колхознинг раиси Г. Муродова ва Зангелан районидаги Молотов номли колхознинг раиси А. Садиҳов, «Азербайжон кенд тэсэрруфати» газетасининг редактори А. Казимовлар бор.

Делегацияга Озарбайжон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг биринчи ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати М. Поладов бошчилик қилмоқда.

Аэродромда меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари В. Я. Емцов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Р. Эгамбердиев, шу министрликнинг масʼул ходимлари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг нашриёти улуғ олим Абу Али Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» номли асарини рус тилида босиб чиқарди. Ҳозир Фанлар академиясининг олимлари бу асарни ўзбек тилида нашр этиш устида ишламоқдалар. **Суратда:** (чапдан) Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аʼзоси, медицина фанлари доктори, профессор **А. Асқаров**, медицина фанлари кандидати **А. Қодиров**, таржимон **Мирзаев**, медицина фанлари кандидати **Гафуров** ўртоқлар асарнинг таржимаси устида ишламоқдалар.

М. Знёвуддинов фотоси.

СССР Медицина Фанлари Академияси ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг сессияси

20 сентябрьда Тошкентда иссиқ жойларда рўй берадиган касалликлар патологияси (краевая патология) масалаларига бағишланган илмий сессия очилади. Сессияни СССР Медицина Фанлари академияси ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги чақиради.

Сессияда мамлакатдаги отоқли олимлар ва соғлиқни сақлаш ходимларининг краевая патология масалаларини ўрганиш ва бирқанча касалликларни тугатиш соҳасида совет медицина фани ва практикасининг ютуқларини ёритадиган докладлари муҳокама қилинади. Сессияда ҳамма ер бўлиб қуйидаги проблемалар юзасидан 30 га яқин доклад тингланади ва муҳокама қилинади: табиий ўчоқлардан келиб чиқадиган касалликлар; риккетсиозлар, пирусли геморагик иситмалар, спирохетозлар ва лейшманиозлар (эпидемиология, клиника ва кураш чоралари); паразитор касалликлар (безгак ва гельминтозлар); бруцеллез (эпидемиология, патогенез, клиника, даволаш ва профилактика); аҳолига даволаш-профилактика ёрдамини ташкил қилиш. Мазкур проблемалар бўйича асосий докладларни: СССР Фанлар академияси ва СССР Медицина Фанлари академиясининг ҳақиқий аʼзоси Е. Н. Павловский, СССР Медицина Фанлари академиясининг ҳақиқий аʼзоси П. Г. Сергеев, СССР Фанлар академиясининг, СССР Медицина Фанлари академиясининг ҳамда В. И. Ленин номидаги СССР Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий аʼзоси К. И. Скрябин, СССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аʼзоси Г. П. Руднев, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри Р. С. Соатовлар қиладилар.

Сессия ишида Москва, Ленинград, Киевнинг ва Совет Иттифоқидаги бошқа шаҳарларнинг олимлари, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Грузия, Озарбайжон, Арманистон илмий ташкилотлари ва медицина муассасаларининг вакиллари қатнашадилар.

Сессияга чет эллардан кўпгина олимлар, жумладан Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, Ҳиндистон, Индонезия, Бирма, Афғонистон, Покистон, Миср, Эрон, Ироқ, Сурия, Ливан, Эфиопия, Яман, Саудия Арабистони, Таиланд ва Туркия олимлари таклиф этилди.

Илмий сессия қатнашчилари Ўзбекистоннинг даволаш-профилактика муассасаларини, илмий-текшириш институтларини, ўқув юртларини, корхоналарини, колхозларини ва маданий-оқартув муассасаларини бориб кўрадилар.

Илмий сессия ишлаб турган кунларда совет соғлиқни сақлаш ишлари ва медицина фанининг, шунингдек совет медицина саноатининг ютуқларини акс эттирадиган катта виставка очилади.

СССР Медицина Фанлари академиясининг вице-президенти, СССР Медицина Фанлари академиясининг ҳақиқий аʼзоси профессор Ф. Г. Кротков ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Муҳитдинов Тошкентда бўладиган илмий сессияни ўтказучи ташкилот комитетининг раисларидирлар.

Тошкентда бўладиган илмий сессия олти кун давом этади. (ЎзТАГ).

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетида

Область колхоз ва совхозларида пахтаси машина блан териладиган далаларни теримга тайёрлашнинг қониқарсиз бораётганлиги тўғрисида

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети областьнинг колхоз ва совхозларида пахтаси машина блан териладиган далаларни теримга тайёрлашнинг бутунлай қониқарсиз бораётганлигини ва бу ҳолнинг пахтани машина блан териш тўғрисида берилган топшириқнинг бажарилишини барбод қилиши мумкинлигини қайд қилиб ўтдилар.

Ҳовос, Бекобод, Ўртасарой, Пискент, Ўртачирчиқ ва бошқа районлардаги кўпгина колхозларда пахтаси машина блан териш учун ажратилган далаларни бегона ўтлар босиб кетган, лекин бегона ўтларни йўқотиш учун ҳеҳқандай тадбирлар амалга оширилмаётир. Иккинчи ва 4-нчи «Боёвут», 2-нчи «Далварзин» совхозларида ҳам далаларни бегона ўтлардан тозалаш ишлари яхши уюштирилмаган.

Областьдаги колхозлар 8 сентябрьгача ғўза баргларини сунʼий усулда тўкиш учун зарур бўлган заҳарли дориворларнинг фақат 71 процентини ташиб олганлар. Кўпгина колхозларнинг раислари, МТС директорларининг масʼулиятсизликлари ҳамда район партия комитетлари ва ижроия комитетлари томонидан етарли контролликнинг бўлмаслиги натижасида Бекобод, Ҳовос, Янгийўл ва Ўртасарой районларидаги кўпгина колхозлар заҳарли дориворларни ташиб келтиришни кейинга суриб, ғўза баргларини тўкиш учун дорилаш ишини бошлаб юбормаганлар.

Самолёт, трактор блан ишлатиладиган ОДН машиналарининг кўпгина қисми халигача ишга туширилмаган.

МТС, совхозларнинг директорлари ва колхоз правлениелари қўсакларнинг оммавий равишда очилаётганлигига қарамай, ғўза баргларини тўкишнинг кечикиши заҳарли дориворлар таʼсирининг камайишига ва улардан тўла фойдаланмасликка, натижада пахтани машина блан теришнинг кечикишига сабаб бўлишини эʼтиборга олмаётирлар.

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети баʼзи район ижроия комитетлари ва район партия комитетларининг ғўза баргларини тўкиш ишига раҳбарлик қилишда ўзларини четга олишлари натижасида шундай аҳвол юз бераётир, деб ҳисоблайдилар.

Район ташкилотлари ва МТС директорларининг йўл қўйишлари натижасида айрим колхозларнинг раҳбарлари, масалан, Ўртасарой районидаги Свердлов номли колхозда, Бекобод район, Чаноқ қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда, Янгийўл районидаги Ленин номли колхозда ғўза баргларини сунʼий усулда тўкишга каршилик кўрсатмоқдалар.

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети пахтани машина блан теришни ўтказишга тайёрлик кўришда юз бераётган ҳозирги аҳволни ҳеҳбир чидаб бўлмаслик даражада деб ҳисоблаб **қарор қилдилар:**

1. Бекобод районидаги биринчи МТСнинг директори ва бош агрономи (Икромов ва Чимихало ўртоқлар), Бекобод 2-нчи МТСнинг директори ва бош агрономи (Ҳасанов ва Қозоқбоев ўртоқлар) Ҳовос 2-нчи МТСнинг директори ва бош агрономи (Кисилев ва Тожибоев ўртоқлар), Янгийўл районидаги 1-нчи МТС директори ва бош агрономи (Мешков ва Журба ўртоқлар), Янгийўл районидаги 2-нчи МТС директори ва бош агрономи (Галицинский ва Халимон ўртоқлар) пахтани машина блан териш учун далаларни ўз вақтида тайёрлаб қўйишга шахсан жавобгар эканликлари огоҳлантирилди.

2. Район ижроия комитетларининг раислари, район партия комитетларининг секретарьлари, МТС ва совхоз директорлари, колхоз раисларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) зарур бўлган миқдордаги цианамид калций ва кремнефтористий натрилар икки кун ичида ташиб олинсин;

б) далани бегона ўт босганида пахта териш машиналарининг унумли ва сифатли ишлаши мумкин эмаслигини эʼтиборга олиб, далаларни бегона ўтлардан тезда тозалаш учун дарҳол етарли колхозчилар ва совхоз ишчилари ажратилсин;

в) ишлабчиқилган графикка мувофиқ ҳамма ерда ғўза баргларини тўкиш ишларига киришилсин ва бунда ОДН машиналари ҳамда самолётлардан тўла фойдаланиб, баргларни энг қулай муддатда тўкиб, бу иш область бўйича 20 сентябрьдан кечикмай тугаллансин.

3. Район ижроия комитетларининг раислари, район партия комитетларининг секретарьларига далаларни пахтани машина блан теришга тайёрлашнинг бориши устидан кундалик контрольликни жорий қилиш ва бу ишни белгиланган муддатда тугалланишини таʼмин этиш учун зарур бўлган оператив тадбирларни амалга ошириш мажбурияти юклансин.

Ю К С А Л И Ш

Кўмир разрезига яқинлашиши блан Николай Хорошиловнинг кўз олдида ажойиб манзара намоён бўлди. Поёни кўринмайдиган очиқ кўмир кони. Пастликда, катта бир чуқурликда улкан экскаторларнинг қудратли ковши ер бағрида ётган қора олтинни ковлаб олиб, платформаларга ортмоқда. Паровоз тўлдирилган составни илдамлик блан тортиб кетди. «Шу экскаторларда ишлагин экан-да. Ўтирган ерингда улкан машинанинг чийриғини ҳаракатга келтириб, бир пастда бир вагон кўмир қазисанг...» орзу қилди разрез четида завқ блан тамоша қилиб турган Николай.

У разрез бошлиғи блан қилган кечаги суҳбатини эслади ва ўша воқиани кўз олдига келтирди. Николайнинг ишга кириш тўғрисидаги ариза ва бошқа ҳужжатларини кўздан кечириб чиққач, разрез бошлиғи бирнеча саволлар блан уни синаб кўрди. Айниқса, бошлиқнинг «Сиз нега бизнинг разрезга ишга кирмоқчисиз», деган сўроғи унга ғайри-табиий туюлди. «Шу ҳам саволми, мен кўмир қазишга ишқивозлигимни айтдим-ку, ёки ишонмаяптими? Ишонмаса ишда синаб кўрсин. Агар 15 кунда ўша экскаторларда ўтириб, илғорлар қатори ишламасам унда бир нарса деса арзийди...».

Николай ана шулар ҳақида ўйлар экан, разрез тепасидан пастга завқ ва ҳаяжон блан бирнеча минут қараб турди, кейин аста-секин зинадан пастга тушабошлади. Бугун у биринчи синовдан ўтади. Уни ҳаяжонга солаётган нарса — ишлайоламани, мен қилган иш уларга ёқармикан, деган андиша ва умрида биринчи марта мустақил ишга киргани учун ич-ичидан келаётган севинч тўлқини эди.

Шу куни у, экскаваторчиларнинг қўйи звеносида шогирд бўлиб ишлади. Шу тариқа бирнеча кун ишлагач, аввалги ўйи — 15 кунда машинист-экскаваторчи бўлиш нияти кулгили эканини ўзи ҳам билди ва бу гапни бировга айтиб қўймаганлигидан хурсанд бўлди. У: «Мен армияда хизмат қилганимда техникадан анча хабардор бўлиб қолганман, самолётнинг олдида экскатор нима бўпти», деб йўлаган эди. Қарасаки, экскаторнинг ҳам анчагина «сир»лари бор экан. Шунга қарамай, Хорошилов умидсизланмади, зўр қизиқиш ва ҳаракатчанлик блан ўз орзусини рўёбга чиқариш учун интилабошлади. У нимани билмаса устози Носковдан сра тортинмай ўз вақтида сўраб оларди.

— Нега у ричагни босдингиз, бериги-сини боссангиз нима бўларди? — сўради Николай бир куни машинист Носковдан.

— Ҳозир ковш кўмирни секин олаяпти. Мана қараб тур, иккинчи ричагни босдим. Кўрдингми, энди машина тез ишлайди, чиғириқ тез бориб келади, — ўргатди устоз. Демак, тайёр платформа бўлмаганда секин ишлайдиган ричаг блан кўмирни ковлаб, бир ерга уюб турилар ва поезд келганда эса, тез ишлайдиган ричагни босса платформа тезда тўлдирилар экан.

Бир куни разрез бошлиғи Мерцалов овқат вақтида иш участкаларини айланиб юрган эди. Ҳаммаёқ жим-жит. Платформалари чала тўлдирилган эшелонлар, ҳалигина ишлаётган экскаторлар ҳаракатдан тўхтаган. Бирорта одам кўринмайди. Бирдан Мерцалов нариги чеккада турган экскаатор олдидан ҳаранглаган товуш эшитди. «Худди биров бирор нарсани синдириб қўйган-у, гап эшитмай деб, овқат вақтида тузатаётир», ўйлади Мерцалов ва ўша томонга юрди. Яқин келгач у, қора терга ботиб зўр бериб нимандир тузатаётган Николайни кўрди ва кулумсираб қўйди. Мерцалов бу ёш шогирдни участкада доим, ё болга блан бир нарсани уриб тўғрилаётган ёки ключ блан бўшаб қолган гайкаларни маҳкамлаётган ҳолда учратарди.

«Носковнинг омадига жуда меҳнатсевар йигит чиқди бу авиатор (армияда авиация қисмида хизмат қилгани учун Николайни разрезда шундай деб аташарди). Келганига ҳечнима вақт бўлгани йўқ-ку, анча нарса қўлидан келадиган бўлиб қолди. Уни энди машинистга ёрдамчи қилиб қўйсак ҳам бўлади. Ўзи ҳам экскатор деса жонини фидо қиладиган йигит экан» дерди унга қойил қолиб, Мерцалов.

— Нима қилаяпсан, авиатор? — сўради жиддийлик блан ниҳоят участка бошлиғи.

— Мана бу ери бўшаб қолипти, шуни маҳкамлаяпман, — жавоб берди Николай экскаваторнинг бир қисмини қўлидаги болга блан кўрсатиб.

— Бўшашган бўлса, дам олиш вақтида маҳкамлаш керакми? Бор, бошқалар қатори дамингни ол.

— Ҳечқиси йўқ... Овқатланиб бўлдим. Кўп дам олиш менга ёқмайди, ланж бўламан, — деди кулиб Николай.

Мерцаловга Николайнинг бу жавоби ёқиб тушган бўлса ҳам:

— Меҳнат режимига риоя қилиш керак, ҳамма иш ўз вақтида бўлсин, — деб нариги участка томонга ўтиб кетди.

Ўзининг тиришқоқлиги ва фидокорона меҳнати орқасида Хорошилов тезда коллектив ўртасида обрў қозонди. Ҳатто шундай бўлиб қолдики, участкадаги қайси машинистга қўйи звено ишчиси етишмаса Мерцаловдан Николайни сўрашади. Чунки, Николай машинистларни унча «қийналмайди», кўп ишни ўзи билиб бажараберади.

Николай ишга кирганидан 7 ой ўтгач, унинг яхши ишлаганини, ўткир зеҳнли ва қобилиятлилигини ҳисоба олиб, Мерцалов уни экскаватор машинистининг ёрдамчиси вазифасига кўтарди. Бундан руҳланган Хорошилов янада ғайрат блан ишлайбошлади.

Николай ишлайдиган экскаваторнинг машинисти Носков ўз ёрдамчисидан жуда мамнун. Чунки, меҳнат завқи блан яшовчи Николай оз вақт ичидаёқ ёрдамчи мастер сифатида жуда кўп ишлар қилди.

...Поезд келиб тўхтар-тўхтамас, Носков экскаваторнинг тез ҳаракатлантирувчи иккинчи ричагини босди. Ковш платформа блан кўмир уюми ўртасида тез-тез бориб келабошлади. Мана, платформа ярим бўлиб қолди. Қудратли машинани завқ блан кузатиб турган Николай бирданига:

— Ие, нега бу бошқача сайраяпти, нима бўлаяпти ўзи, — деб қолди. Николайга лебедкадан чиқаётган товуш одатдагидан ўзгачароқ эшитилди. У, машинага яқин келиб лебедкани синчиклаб кузатабошлади: қараса, ҳақиқатан ҳам машина лебедкасининг оғзи очилиб кетаяпти. «Агар дарҳол бунинг олдини олмасак, сал вақтдан кейин «касал» оғирлашиб кетади, иш ҳам тўхтайди, машинани ремонт қилиш ҳам бирнеча кунга чўзилади» — деган фикр унинг хаёлидан ўтди ва эпчиллик блан экскаватор кабинасига чиқди-да сезган авариясини Носковга айтди. Буни эшитган Носков ўзи ҳам кузатиб кўрди ва қўл силтаб:

— Тузатиш керак. Машинани тўхтатишга тўғри келади, — деди.

Носков ҳам, Хорошилов ҳам иш суратига ҳалал етиши, поезд составининг ортиқча вақт тўхтаб қолишини ўйлаб безовта бўлабошладилар. Шу пайт бирдан Николайнинг хаёлига бир фикр келиб қолди. Бирдан у, ёнида тажанг бўлиб турган Носковнинг кифтига туртиб:

— Топдим... Ҳозир тузатаман, экскаваторни тўхтатмасдан туриб, бир пастда боплайман, — дедида қўлига озгина сим олди ва чаққонлик блан лебедканинг олдига чиқиб, оғзи очилиб кетаётган лебедкани сим блан ўрайбошлади. Аммо, Николай ўйлаганидек авария дарров, осонлик блан тузалақолмади. Ўралган симни ҳаракат қилиб турган ўжар машина чирт-чирт узиб ташлайверди. Николай бор эпчиллигини ишга солиб, симни шиддат блан ўрайбошлади. Тез ва таранг ўрайман деб ҳаракат қилиб, унинг қўлида мадор қолмади. Ниҳоят, ўжар лебедкани жиловлади — авария тузатилди. Николай лебедкани тузаттунча «касал» экскаватор ишдан тўхтамади, платформа ўз муддатида тўлдирилди. Зўр ғайрат қилиб, анча ҳолдан тойган Николай ҳозиргина ерда ётган кўмирларни республикамизнинг турли саноат корхоналарига тезроқ етказиш учун шошилиб олиб кетаётган паровозни кўздан ғойиб бўлгунча кузатиб турди.

— Оббо сен-эй, ақл ёшда эмас — бошда деганларидек, келганингга оз вақт бўлган бўлса ҳам кўп ишларинг блан бошқаларга намуна бўлаяпсан. Мана ҳозирги қилган ишинг жуда соз бўлди,— деди Носков Николайнинг елкасига қўлини қўйиб. — Мен Мерцаловга айтаман, энди бошқалар ҳам сенинг ташаббусинг асосида, лебедка «касали»ни экскаваторни тўхтатмай тузатадилар.

Николай Хорошилов ёрдамчи машинист бўлиб ишлаб юрган вақтида бирнеча марта шу каби қимматли ташаббус кўрсатди. Разрезда ишлаш блан бирга 6 ойлик машинистлар курсида ўқиб, уни муваффақият блан битирди ва ниҳоят, ўз орзусига етди. Курсни битириши блан ноқ Николайни экскаватор машинисти вазифасига кўтардилар. Бу пайтда коммунист Хорошилов экскаваторни беш бармоқдек биладиган мастер бўлиб қолган эди.

Ҳозир Хорошилов разрезнинг илғор машинистлари қаторида Ўзбекистон ССРнинг шонли юбилейини муносиб меҳнат совғаси блан кутиб олиш учун зўр ғайрат блан ишламоқда.

В. БРОНИСЛАВСКИЙ.



Тошкентдаги Ильич номли заводнинг илғор токари, комсомол а'зоси М. Видра Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, кундалик смена топшириғини 250 процентдан бажармоқда. **Суратда:** ўртоқ **Видра** иш устида.

В. Сироткин фотоси.

Тошкент районида

ЧОРВА МАССИВИДА КАСАЛХОНА

Келес массиви райондан узоқда, қардош Қозоғистон ССР территориясига жойлашган. Бу ерда район колхозларининг бирнеча ўн минглаб чорва моллари боқилади. Район соғлиқни сақлаш бўлими жамоат чорвачилигини ривожлантириш учун фидокорона меҳнат қилаётган колхозчиларга медицина хизматини яхшилаш учун зарур тадбирларни кўрмоқда. Чорва массивида 5 ўринли янги касалхона, медпункт ҳамда дорихона очилди.

Касалхона зарур асбоб-ускуналар блан жиҳозланди ва малакали медицина ходимлари блан та'минланди.

МЕХАНИЗАТОРЛАР УЧУН ДАЛА ШИЙПОНЛАРИ

Район ижроия комитети 1—2-нчи МТС трактор бригадалари учун колхозларда дала шийпонлари қуриш масаласини муҳокама қилиб, унинг лойиҳасини тасдиқлади. Охунбобоев қишлоқ советидаги «Большевик», Сталин номли, Эркин қишлоқ советидаги Сталин номли, Қатортол қишлоқ советидаги Сталин номли, Чоштепа қишлоқ советидаги Ленин номли ҳамда Каганович номли колхозларда трактор бригадалари учун махсус дала шийпонлари қурилди. Шийпонда ётоқхона, темирчилик устахонаси, тракторлар сақланадиган жой ва ховуз бўлади. Дала шийпонлари трактор бригадаларининг ишини яхшилаш ва меҳнат унумини оширишга хизмат қилади.

ЎҚИТУЧИЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Район мактаблари ўқитучиларини уй-жой блан та'минлаш тадбирлари кўрилмоқда. Каганович номли колхознинг Ўзбекистон участкаси, Охунбобоев қишлоқ советидаги Сталин номли, Қатортол қишлоқ советидаги «Қизил шарқ» колхозларида ўқитучилар учун янги уй-жой бинолари қурилмоқда. Ўзаро солиқ ҳисобидан ҳам ўқитучиларга атаб 5 та кўп хонали уй-жой қуриш планлаштирилди. Ҳозир бўз массивида 2 та терма уй қурилди. Буларнинг бирида чорвадорларнинг болалари ўқийдилар, 2-нчиси эса ўқитучиларга уй-жой учун берилади.

Ш. КУЗАНБОЕВ,

СССР Ташқи Ишлар Министрлигида

Совет Ҳукумати Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматига 5 сентябрьда нота юбориб, унда Америка ҳарбий самолётининг 4 сентябрьда Узоқ Шарқдаги Находка порти районида СССР давлат чегарасини қўпол равишда бузганлиги муносабати блан АҚШ Ҳукуматига норозилик билдирганлиги тўғрисида матбуотда хабар бериб ўтилган эди.

6 сентябрьда АҚШнинг Москвадаги Элчихонаси АҚШ Ҳукуматининг кўрсатмаси блан СССР Ташқи ишлар министрлигига иккита нота юборди. Бу ноталарда америка ҳарбий самолётининг СССР давлат чегарасини бузганлиги инкор қилинади ва америка самолёти Сибирь соҳили яқинидаги очиқ денгизда «патрульлик қилиб учиб» юрганида совет қиручи самолётларидан икки самолёт унга ҳужум қилибди, дейилади. АҚШ Ҳукуматининг яна айтишича, Америка самолёти совет қиручи самолётларига дуч келганида бу самолётларга ўт очмаган эмиш.

СССР Ташқи ишлар министрлиги 8 сентябрьда АҚШ Элчихонасига қуйидаги мазмунда нота юборди:

«Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматининг 1954 йил 6 сентябрьдаги 202-нчи ва 203-нчи сонли нталари муносабати блан Совет Ҳукумати қуйидагиларни айтишни зарур деб ҳисоблайди:

Совет Ҳукуматининг 5 сентябрьдаги нотасида айтиб ўтилганидек, аниқ белгиланган ма'лумотларга кўра, Америкининг «Нептун» типидаги икки моторли ҳарбий самолёти 4 сентябрьда Владивосток вақти блан соат 19 дан 12 минут ўтганда (маҳаллий вақт блан соат 18 дан 12 минут ўтганда) Находка портининг шарқидаги Островной бурунғ районида СССР давлат чегарасини бузган. Совет қиручи самолётларидан иккитаси америка самолётига Совет Иттифоқи чегаралари доирасида турганлигини кўрсатиш ва СССР осмонидан дарҳол чиқиб кетишга таклиф этиш мақсадида яқинлашаётганда мазкур америка самолёти совет самолётларига қарата ўт очган. Чегара бузучи америка самолётининг совет самолётларига нисбатан ҳечбир асоссиз мана шундай душманчилик ҳаракатида бўлганлиги сабабли совет самолётлари бунга жавобан ўт очишга мажбур бўлганлар. Шундан кейин америка самолёти денгиз томонга кетиб қолган. Чегарани бузган самолётнинг бундан кейинги тақдири тўғрисида совет ма'мурлари ҳечқандай ма'лумотга эга эмаслар.

АҚШ Ҳукумати Совет Ҳукуматининг 5 сентябрьдаги мазкур нотасига жавоб тариқасида юборган ўзининг 203-нчи сонли нотасида Америка ҳарбий-ҳаво кучлари самолётининг Совет Иттифоқи чегараларини қўпол равишда бузганлиги ва мазкур самолётнинг совет қиручи самолётларини ҳечбир асоссиз ўққа тутганлиги тўғрисида совет нотасида келтирилган фактларни ҳечбир далилсиз инкор қилган. Шу блан бирликда, АҚШ Ҳукумати ўзининг ноталарида, АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари самолётининг 4 сентябрьда маҳаллий вақт блан соат 18 дан 18 минут ўтганда совет нотасида кўрсатилган районда бўлганлигини э'тироф қилади, бу вақт эса Совет Ҳукуматининг нотасида кўрсатилган вақтга тахминан тўғри келади.

АҚШ Ҳукумати ишни шу тахлитда кўрсатишга уринадики, гўё Америка ҳарбий самолёти Сибирь соҳили яқинида патрульлик қилиб учиб юрганда «очиқ денгиз устида» бўлган эмиш, у, совет самолётларини ўққа тутмаган эмиш ва гўё совет самолётларининг ҳужумига учраган эмиш. Ваҳоланки, АҚШ Ҳарбий-Денгиз министрлиги сингари ҳукуматнинг мў'табар органи 6 сентябрьда, Америка самолёти совет қиручи самолётларига қарата ўт очди, деб э'лон қилган эди. Америка самолёти экипажининг а'золари матбуот учун айтган гаплари совет қиручи самолётларига қарата ўт очганликларини та'кидламоқдалар. Шундай қилиб, гўё америка самолёти умуман ўқ отмаган эди, дейилган гап ҳақиқатга тўғри келмайди.

Сўнгра, АҚШ Ҳукуматининг 202-нчи сонли нотасида та'кидланишича, Америка самолёти Владивостокнинг 100 миля шарқидаги очиқ денгизда совет қиручи самолётларига дуч келган. Аммо, ма'лумки, Владивостокнинг 100 миля шарқидаги пункт, америка нотасида айтилганидек, очиқ денгиз устида бўлмасдан, балки Совет Иттифоқи территориясидаги жойдир. Америка матбуотининг хабар беришича қараганда, АҚШ нинг денгиз муассасаларига таалуқли расмий шахслари буни э'тироф қилишга мажбур бўлганлар.

Совет Ҳукуматининг 5 сентябрьдаги нотасида келтирилган ва аниқ белгиланган ма'лумотлар, шунингдек АҚШ ҳарбий-денгиз министрлигининг мазкур ахбороти ҳамда америка самолёти экипажи а'золарининг айтган гаплари АҚШ Ҳукуматининг нотасидаги да'воларни тамомила рад қилади.

СССР чегарасини бузган ва совет самолётларига қарата ҳечбир сабабсиз ўт очган америка самолётининг учиши тўғрисида аниқланган фактларга қарамақарши да'вони ўз нотасида баён қилиб ўтиш блан АҚШ Ҳукумати америка ҳарбий самолётининг «Сибирь соҳили» ёнида Совет Иттифоқи осмонида қандай патрульлик вазифаларини бажариш мумкинлиги ва америка самолётлари умуман Владивосток шаҳри районига «патрульлик қилиш мақсадида» нима учун учиб келганликлари тўғрисидаги масалани четлаб ўтган. Ваҳоланки, Владивосток шаҳри Қўшма Штатлар соҳилидан 10 минг километрча нарида эканлиги ма'лум. Шу муносабат блан агар совет жанговар самолётлари АҚШ давлат чегаралари яқинида, масалан, Сан-Франциско районида «патрульлик» қилабошласалар, шу чегарани систематик равишда бузиб, чегарани қўриқлаётган америка самолётларига дуч келганларида уларга ўт очаверсалар бундай аҳволга АҚШ Ҳукумати қай назарда қараган бўлур эди, деган ҳақли савол туғилади. АҚШ Ҳукумати бундай аҳволга индамай қўяқолмаса керак.

Америка ҳарбий самолётининг Узоқ Шарқда СССР давлат чегарасини шу тариқа бузганлиги, шунингдек америка самолётлари томонидан совет чегарасини бузиш ҳоллари илгари ҳам рўй берганлиги Америка ҳарбий самолётларининг Совет Иттифоқи чегараларини бу хилда бузишлари америка ҳарбий қўмондонлигининг муайян топшириқларини бажариш блан боғланганлигига шубҳа қолдирмайди.

Америка ҳарбий қўмондонлигининг бу ҳаракатлари ва, жумладан шу йил 4 сентябрьда америка ҳарбий самолётининг СССР давлат чегарасини бузганлиги халқаро ҳуқуқнинг элементар қоидаларининг қўпол равишда бузилишидир. Бундай бузишларга Узоқ Шарқдаги вазиятни кескинлаштириш ниятидаги ғиғволардан бошқа нарса эмас, деб баҳо берилмаслиги мумкин эмас.

Юқорида баён қилинганларга биноан, Совет Ҳукумати ўзининг 5 сентябрьдаги нотасини та'кидлайди ва АҚШ Ҳукуматидан келгусида америка самолётларининг Совет Иттифоқи давлат чегараларини бузишларига йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўриши қаттиқ талаб қилади».

Қишлоқ хўжалик билимлари пропагандаси

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамиятнинг бир группа лекторлари Тошкент областининг қишлоқ районларидан қайтиб келдилар. Улар 10 кун давомида Пискент, Бўка, Мирзачўл, Сирдар'ё Гулистон каби районлардаги колхоз ва МТС ларда сиёсий, қишлоқ хўжалик ва бошқа темаларда 200 дан ортиқ лекция ўқидилар. Лекцияларнинг кўп қисми илғор агротехникани жорий қилиш, суғоришни ва ўсимликни озиқлантиришни тўғри ўтказиш, ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш масалаларига бағишланган эди.

Октябрь районидаги Каганович номли ва Калинин районидаги Ворошилов номли колхозларнинг раислари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ҳ. Турсунқулов ва Г. Абдуллаев ўртоқлар Оҳангарон, Янгийўл, Октябрь районларидаги колхозларда юқори ҳосил учун курашнинг илғор методлари ҳақида лекциялар ўқидилар.

Тошкент областининг колхоз ва МТС-ларида жамият лекторлари томонидан йил бошидан бери бирнеча минг лекция ўқилди.

Маданият хроникаси

Областимизнинг Паркент, Бўка, Бекобод районларидан 10 мингдан ортиқ киши ирригация-мелиорация ишларига ёрдам бериш учун Мирзачўл районига келдилар. Шу муносабат блан Мирзачўл район маданият бўлими ирригаторларга хизмат кўрсатиш мақсадида иккита кўчма кутубхона ташкил қилди. Кутубхона ҳархил адабиётлар, газета ва журналлар блан та'минланган. Мирзачўл воҳасидаги канал трассаларида ишлаётган колхозчиларга ҳар куни кинофильмлар кўрсатилмоқда. Сўнгги кунларда ирригаторлар «Корабль капитани» «Албаниянинг буюк жангчиси Скандарбек» каби кинофильмларни тамошо қилдилар.

Шунингдек, Сирдар'ё, Гулистон, Верхне-волинск районларининг маданият бўлимлари ҳам ирригация-мелиорация ойлиги қатнашчиларига намунали маданий хизмат кўрсатмоқдалар.

А. ИЛЕСОВ.

* * *

Янгийўл шаҳридаги Ўлкани ўрганиш музейи кўп йиллардан бери шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларига яхши хизмат қилиб келмоқда. Яқинда Ўрта Осиё илмий-текшириш институти ва музей ҳодимлари томонидан «Йўғон тепа» деган жойдан бирқанча тарихий ёдгорликлар: ўғир, кўл тегирмонининг тоши, кўза, сопол товоқ ва бошқа анчагина нарсалар топилди. Бу нарсалар музейга экспонат сифатида қўйилди. Экспонат қўйилгандан бери музейни 20 минг киши келиб кўрди. Музей ходимлари ёдгорликларни келиб кўручиларга муфассал консультациялар бермоқдалар.

Д. СОДИҚОВ.

* * *

Оққўрғон район марказидаги кутубхона (мудири Н. Қурбонова) китобхонларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Кутубхона турли хил портретлар, плакатлар ва бешинчи бешйиллик плани бўйича халқ хўжалигининг ривожланиш сур'атларини ифодаловчи диаграммалар блан чиройлик қилиб безатилган. Бу ерда Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси — Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланишини ифодаловчи «Ватанга кўп миқдорда пахта етказиб берамиз» «Пахтадан нималар қилинади» каби турли ҳил темаларда фото-виставкалар ташкил қилинган. Кутубхонанинг китоб фонди изчил равишда бойитилмоқда ва доимий китобхонларнинг сони ҳам кўпаймоқда. Ҳозир кутубхона 14 минга яқин турли хил китоб ва 503 доимий китобхонга эга.

Кутубхонада тез-тез китобхонлар конференцияси ва ҳархил темаларда суҳбатлар ўтказиб турилди.

А. ЧИНТОШЕВ.

Босилмаган хабарлар изидан

Тошкент шаҳри йилдан-йилга кенгайиб обод бўлмоқда. Унинг кенг кўчаларида трамвай, троллейбус ва турли-туман автомашиналар ҳаракати тобора кучаймоқда. Бу эса йўловчиларнинг, айниқса болаларнинг кўчада юриш қоидаларига тўла риоя қилишларини талаб қилади.

«Тошкент ҳақиқати» газета редакциясига келган бир хатда Сталин районида назоратсиз қолган болалар кўча қоидасини бузиб, ножўя ҳаракат қилганликлари кўрсатилган. Редакция фактни аниқлаш ва чора кўриш учун хатни Сталин район ижроия комитетига юборган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Сталин район Совети ижроия комитетининг редакциямизга хабар қилишича хат маҳалла комиссияси раисларининг умумий мажлисида муҳокама қилинган. Уларга, оилада, мактабда ва маҳаллаларда болалар ўртасида кенг тушунтириш олиб бориш ва тарбиявий ишларни кучайтириш тўғрисида кўрсатма берган.

СССР МЕДИЦИНА ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛАДИГАН СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

Ўзбекистонда дракункулез (ришта) касаллигининг тугатилиши

Совет халқи шонли Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм қурилишининг барча соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда. Мамлакатимиз халқ хўжалиги ва маданиятининг барча тармоқларида бўлганидек, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам сўнгги вақтларда катта муваффақиятларга эришилди. Айниқса, эпидемик ва эндемик касалликларига қарши курашда совет медицинаси катта ютуқларни қўлга киритди.

Совет ҳокимияти йилларида санитария-профилактика тадбирларининг кенг амалга оширилиши натижасида бирқанча эпидемик ва эндемик касалликларни даволаш имконияти туғилди. 1931 йилда СССРда, медицина тарихида биринчи бўлиб энг оғир эндемик касалликлардан бири — дракункулез (ришта) касаллиги тамомила тугатилди. Асосан Ўзбекистон территориясида тарқалган бу касаллик, кўп асрлардан бери халқ учун энг оғир офатлардан бири бўлиб келган. Бу касалликнинг тугатилиши Совет медицинасининг катта ютуғи эди.

Ўзбекистонда дракункулез касаллиги тугатилгандан бери, Совет Иттифоқида бирор киши ҳам бу касаллик блан оғриган эмас. Броқ ба'зибир буржуа олимлари, хусусан Америка паразитологлари — Крейг, Фауст, Столл ва бошқалар ҳозир ҳам Совет Иттифоқида дракункулез касаллиги блан оғриган кишилар кўп учрайди, деб ёзмоқдалар. Столл, СССРда 3 миллиондан ортиқ киши дракункулез касалига дучор бўлган, деб мутлақо асоссиз да'во қилади. Ана шундай қилиб Столл каби четэл буржуа олимлари фактларни қастдан бузиб кўрсатмоқдалар. Шунинг учун ҳам совет медицинасининг бу соҳада эришган ютуқларини кенг оммалаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Дракункулез касаллиги жуда қадим замонларда пайдо бўлган паразитар касалликдир. Бу касалликнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши сабабларини жуда чуқур текширган профессор Л. М. Исаевнинг фикрига кўра дракункулез биринчи мартаба Африка ўрмонларидаги ботқоқликлар ва ячалик катта бўлмаган кўллар яқинида яшаган ҳайвонларда пайдо бўлиб, сўнг одамларга ўтган ва у ердан бошқа мамлакатларга тарқалган.

Ҳозирги вақтда дракункулез касаллиги Арабистон, Африка мамлакатлари, Ҳиндистон, Эрон, Жанубий Америка (Бразилия) мамлакатларида кўп тарқалган. Бу мамлакатларда дракункулез касаллигининг эндемик ўчоғлари бирқанча асирлардан бери сақланиб келади. Тахминий ма'лумотларга кўра ҳозир ер юзида 45 миллиондан ортиқ киши дракункулез касалига дучор. Революциядан илгари дракункулез Ўрта Осиёда, айниқса Ўзбекистоннинг Бухоро, Жиззах, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида яшовчи аҳоли ўртасида кўпроқ тарқалган эди. Кўпчилик олимларнинг фикрича Ўрта Осиёда дракункулез касаллиги VIII асрда араблар истилосидан кейин тарқалган. Дракункулез аввало Бухоро, эски Марв каби араблар кўп ўрнашган шаҳарларнинг аҳолиси ўртасида тез тарқалиб, сўнг бошқа шаҳарларга ўтган.

Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда тарқалган турли касалликлар биринчи марта илғор рус врачлари томонидан ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб (Ўрта Осиё Россияга қўшилгандан сўнг) текширилабошланди. Талантли рус табиатшуноси А. П. Федченко Ўзбекистонда дракункулез касаллигини текшириб, унинг эпидемиологиясини аниқлаб берди. Аммо, илғор рус табиатшунослари ва врачларининг бу соҳадаги кашфиётлари чор ҳокимияти даврида практикада қўлланмай қолиб кетаверди. Фақат Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейингина чор Россиясининг илғариги мустамлакалари бўлган бу ўлкаларда тарқалган ҳархил касалликларни тугатиш имконияти яратиб берилди.

Халқ учун қўрқинчли бўлган дракункулез касаллигини даволаш ҳақида олимлар жуда қадимги замонлардан бери ўйлаб келганлар. Аммо, рус табиатшуноси А. П. Федченкога қадар бирорта олим ҳам бу касалликнинг моҳиятини очиб беролмаган. А. П. Федченко биринчи бўлиб, дракункулезни пайдо қилучи паразитнинг личинкалари ҳовузларда яшовчи циклоп деб аталучи майда сув ҳайвонининг ичида етилишини аниқлади. Бу блан А. П. Федченко медицина фанига жуда катта ҳисса қўшди.

Совет олими Л. М. Исаев эса кейинги вақтда бу касалликнинг эпидемиологиясини чуқур текшириб, унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқди. Шундай қилиб рус олимлари дракункулез касаллигини тугатиш проблемасини ҳал қилдилар.

Ўрта Осиёда «ришта» номи блан ма'лум бўлган бу касаллик ҳозирги замон илмий медицинаси нуқтаи назаридан гижжанинг махсус бир хили пайдо қиладиган паразитар касалликдир. Бу касаллик циклоп ютиб олган ва унинг ичида етилган паразит личинкасини сув блан ичиб юборишдан пайдо бўлади. Личинка кишининг ме'дасида циклопнинг ичидан чиқади ва лимфа йўллари орқали тери остига бориб, у ерда ўсабошлайди. Паразит 9—12 ойда ўсиб етишади ва унинг узунлиги 32 — 120 сантиметргача етади. Тамом етилган паразит тери остида ҳаракат қилабошлайди ва уни тешиб ташқарига чиқади. Шу вақтдан бошлаб касаллик аломатлари кўринади.

Дракункулез касали асосан паразитни тери остидан бирор нарсага ўраб чиқариб олиш блан даволанади. Бу усул энг қадимги замонлардаги врачларга ҳам ма'лум бўлган. Шуни ҳам айтиш керакки, дракункулез касаллигини даволаш, я'ни паразитни тери остидан чиқариб олиш осон иш эмас. Паразит тери остидан бирданига чиқмайди, бунинг учун бирнеча кун ва ҳатто ҳафталаб уни аста-секин тортиш керак. У ўзилиб қолса, кишининг ҳаёти катта хавф остида қолади. Демак, дракункулез шу касаллик натижасида юзага чиқучи иккинчи хил оғирроқ касаллик ҳолатларини туғдириш блан ҳам хавфлидир. Улуғ рус физиологи И. П. Павлов та'лимоти асосида дракункулез касаллигини текширган совет олимлари бу касаллик кишининг бутун организмига ёмон та'сир қилишини аниқладилар.

Ўзбекистонда Совет ҳокимияти барпо этилган дастлабки йилларда дракункулез касаллиги асосан Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлардаги аҳоли ўртасида тарқалган эди. Касалликнинг шу эндемик ўчоқларини тугатиш ва уни тамоман йўқ қилиш 1924 йилда Бухоро шаҳарида очилган тропик институтга юклатилди.

Профессор Л. М. Исаев бошлиқ Бухоро тропик институтининг коллективи ишлаб чиққан планга мувофиқ дракункулез касалига қарши икки асосий йўл блан: биринчидан, касалларни ўз вақтида аниқлаш, уларни алоҳида ҳисобга олиш ва даволаш, иккинчидан ҳовузлардаги ўз ичида дракункулез паразитининг личинкаларини сақлаган циклопларни йўқотиш йўли блан олиб борилди.

Касалларни ҳисобга олиш ва уларни даволаш мақсадида Бухоро шаҳари ва унинг атрофидаги қишлоқларда махсус амбулаториялар очилди. Бундан ташқари дракункулез касали блан оғриган кишиларнинг барчасини ҳисобга олиш мақсадида махсус тиббий отрядлар ташкил қилинди. Улар шаҳар ва қишлоқлардаги ҳарбир хонадонни текшириб, дракункулез касали блан оғриган кишиларни аниқладилар ва уларни рўйхатга олиб чиқдилар.

Рўйхатга олинган барча касаллардан 65,8 процентини эрлар, 12,6 процентини хотинлар ва 21,6 процентини болалар ташкил этар эди. Бухоро тропик институтининг ма'лумотига кўра ўша вақтда шаҳар аҳолисининг 20 проценти, айрим қишлоқларда эса аҳолининг 25 проценти дракункулез касали блан оғриган.

Ҳозирги замон илмий медицинасида ҳам дракункулез касаллигини даволаш паразитни тери остидан чиқариб олиш принципига асосланган. Совет олимлари бу усулни такомиллаштирдилар. Масалан, дракункулезни даволаш учун асептика ва антисептика қоидалари киргизилди. Бухоро тропик институтининг коллективи дракункулез касаллигини даволашда шу қоидаларга риоя қилиб катта муваффақиятга эришди. Бу касаллик паразитининг личинкалари сувга тушиб, бошқа кишиларга ўтмаслиги учун профилактика чоралари ҳам амалга оширилди.

Дракункулез касаллигини даволашда асептика ва антисептика қоидаларига тўла риоя қилиниши натижасида ундан пайдо бўладиган оғир яллиғланиш ҳодисалари мутлақо камайтирилди. Аммо, шунга қарамай ба'зи ҳолларда паразит тери остида узилиб қолиб кучли яллиғланиш ҳодисалари юзага чиқар эди. Бундай касаллар Бухоро тропик институти стационарида даволандилар. Касаллар учун ҳамма қулайликлар ва энг яхши даволаниш шароитлари яратилган эди.

Дракункулез касалининг эндемик ўчоқларини йўқотишда касалликни юқтируучи циклопларга қарши кураш алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўзида паразитнинг личинкаларини сақлаган циклопларни йўқотиш учун Бухоро шаҳри ва атроф қишлоқлардаги ҳовузлар 1925 — 1926 йилларда бирнеча марта тозаланди. Чунки бу ҳовузларнинг кўпчилиги ришта личинкалари блан зararланган эди. Шуниси муҳимки, дракункулез касалидан абадий қутилишни истаган Бухоро халқи ҳовузларни қуритиш ва тозалаш ишларида жуда актив қатнашди. Ҳовузларни қуритиш ва тозалаш жуда катта профилактик тадбир эди. Аммо, бу блангина дракункулез касаллигининг эндемик ўчоқларини тамомила тугатиб юбориш мумкин эмас эди. Бунинг учун аҳолини доимо тоза сув блан та'минлаб туришни ташкил қилиш зарур эди. Шу мақсадда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Бухоро шаҳрида 1929 йилда водопровод қурилди. Водопровод қурилгандан сўнг Бухоро шаҳрида минг йиллаб дракункулез касаллигини тарқатиб келган ҳовузлар кўмилиб ташланди. Бу блан Ўзбекистонда дракункулез касаллигининг ўчоқлари тамоман тугатилди. Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам водопровод қурилиши блан дракункулез эндемик ўчоқларининг яна пайдо бўлиш хавфи й

Областимиз пахтакорлари бу йил мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашмоқдалар

Терим сур'ати кучаймоқда

Сирдар'ё районидаги Сталин номли колхозда бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Чигитни эрта экканд Одил Бобоназаров, Йўлдош Элтоев ва Н. Шоқосимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда пахта ҳар йилдагидан кўра барвақт очилди. Ҳозир бу бригадаларда йиғим-терим ишлари қизғин бораётир.

Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган ўртоқ О. Бобаназаров бошлиқ бригаданинг мавсумда 12 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олган Умаров, Йўлдошева ва Жумадилова сингари илғор теримчилари дастлабки кунлардаёқ 80—100 килограммдан пахта термоқдалар. Колхознинг 200 дан ортиқ а'зоси кунига 60 — 80 килограммдан пахта териб, нормани ошириб бажармоқда.

Колхоз ҳозир давлатга кунига 20 — 25 тоннадан отбор ва биринчи сорт пахта топширмоқда. Бригада ва звеналар социалистик мусобақани кучайтириб, йиллик планнинг 1,5 — 2 процента миқдорида пахта тайёрламоқдалар.

Шунингдек, «XVIII партконференция» ва Охунбобоев номли колхозларда ҳам терим оммавий тус олди. Бу колхозларнинг теримчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллигини пахта тайёрлаш планини тўла бажариш блан кутиб олиш учун курашмоқдалар.

Э. РАҲМОНОВ.

Янги ерларда пахтадан биринчи ҳосил олинмоқда

УРСАТЬЕВСКАЯ. (ЎзТАГ). Ховос районидаги Молотов номли колхоз пахтакорлари янги ерларда биринчи марта етиштирилган пахтани теришга киришдилар.

Колхоз а'золари шу йил кўкламда Мирзачўлда 250 гектарлик массивни ўзлаштириб, унга чигит экканд эдилар. Ҳозир бу ерларда яхши ҳосил етилди. Коммунистлардан Абдураим Холбоев ва Полвон Мавлоновлар бошлиқ илғор бригадалар гектаридан камида 25 центнердан пахта олишни мўлжалламоқдалар. Қумри Қорибоева, Нори Файзиева ва бошқа кўпгина теримчиларнинг ҳарқайсиси кунига 80—85 килограммдан пахта териб, топширқини икки баравар ошириб бажармоқдалар.

Шунингдек Карл Маркс номли, Сталин номли, Хрушчев номли ва бошқа колхозлар ҳам янги ерларда пахтадан биринчи ҳосилни теришга киришдилар. Карл Маркс номли колхозда теримчи Меҳмон Мирназарова ва Муборак Хусановларнинг ҳарқайсиси кунига 145 килограммгача етказиб пахта термоқдалар.

Ховос районидаги колхозлар илгариги шўрхок ерларда етиштирилган пахтанинг дастлабки юзларча тоннасини тайёрлаш пунктига топширдилар. Бу йил районда пахта етиштириш учунгина икки минг гектардан кўпроқ ер ўзлаштирилди. Бунинг учун Мирзачўлда, Боёвут магистраль каналидан бошлаб икки километр узунликда сув магистрали қурилди ва унда ўнта қувватли насос ўрнатилди. Насослар ёрдами блан баландликда жойлашган далаларга бевосита суғориш ариқлари орқали сув берилиб туради.

Район колхозчилари пахта йиғим-терими блан бирга янги ерларни ўзлаштириш ишларини ҳам давом этдирмоқдалар. Йил охиригача Мирзачўлда яна беш минг гектар янги ер ўзлаштирилади.

☆ ☆ ☆

Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг далаларида пахта йиғим-терими тобора қизғин тус олмоқда. Ўнлаб чевар теримчилар ҳар куни хирмонга 110—120 килограммдан пахта топшириб, нормаларини ошиғи блан адо этаётирлар. 10-нчи бригада а'зоси ўртоқ **Қ. Иноятова** ҳар куни 130 — 140 килограммдан пахта термоқда. У, мавсумда 15 тонна пахта териш мажбуриятини олган. **Суратда:** ўртоқ **Қ. Иноятова.**

В. Салов фотоси.

Пахтани машина блан теришга ҳамма нарса тайёр

Ўзбекистон ССРнинг шонли 30 йиллигини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилган Оржоникидзе МТСининг механизаторлари пахта йиғим-теримига пухта тайёрланмоқдалар.

МТСда пахта териш, кўсак чувиш машиналарини ремонт қилиш қизғин давом этдирилмоқда. 54 та пахта териш машинасидан 52 таси ремонтдан чиқарилди. Шулардан 19 таси СХМ—48 М маркали янги пахта териш машинасидир.

СХМ — 48 маркали пахта териш машиналарига подборщиклар ўрнатилмоқда. Бу иш ҳам тугай деб қолди. Бу йил подборщик ўрнатилган 23 та СХМ—48 М пахта териш машинаси ишлайди. Бундан ташқари, қатор оралари 60 сантиметр қилиб чигит экилган карталарда пахта териш учун 10 та машина мослаштирилмоқда. 35 та кўсак чувиш машинасининг ҳаммаси ремонтдан чиқарилди, булардан 10 таси УПХ—1,5 типдаги машиналардир. 9 та ОДН аппаратининг ҳаммаси барвақт ремонт қилиниб, ҳозирги кунларда ғўза баргларини чангламоқда.

Пахта териш, кўсак чувиш, ОДН аппаратларини ремонт қилишда механик А. Толипов раҳбарлигидаги Ихласов, Эргашев, Грибенчук, Гарбузов ўртоқлардан иборат ремонтчилар бригадаси алоҳида гайрат кўрсатиб ишладилар. Улар кунлик нормаларини 130—150 процентдан бажардилар.

Оржоникидзе МТСининг механизаторлари бу йил 2200 гектар майдондаги пахтани машина блан териб бериш мажбуриятини олдилар.

Район колхозлари ҳам пахтани машина блан теришга пухта тайёрланмоқдалар. Ғўза баргларини сун'ий равишда тўкиш учун заҳарли дориворлар ташиб олинди. Самолётларнинг қўниши учун жойлар ҳозирланди.

МТС ва колхозларнинг агрономлари ўтган йилдаги хатоларни назарда тутганлари ҳолда дефилация (ғўзанинг баргини сун'ий тўкиш) ишларига катта аҳамият бераётирлар.

МТС пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари, ОДН аппаратининг бошқаручилари, кўсак чувиш машинасида ишловчилари учун 10 кунлик семинар ўтказди. Бунда уларга илғор тажрибалар тўғрисида батафсил сўзлаб берилди.

Оржоникидзе район механизаторлари ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, бу йил пахтани машина блан териш планини албатта бажариш учун курашадилар.

Ғ. КАРИМОВ.

Областимиз совхозларида ғўза баргини тўкиш ишлари

Область совхозларида пахтани териш олдидан ғўза баргини тўкиш блан боғлиқ бўлган ишлар кучайтирилмоқда. «Малик», Ўзбекистон ССР бешйиллиги номли, 3-нчи «Боёвут», Сталин номли 16-нчи совхозларда қишлоқ хўжалик авиацияси самолётлари ёрдами блан пахта майдонларига химикатлар сепилмоқда.

«Малик» совхозида ғўзаларни дорилаш ишлари уюшқоқлик блан олиб борилмоқда. Учучилардан Н. Фарҳодов ва Т. Синяйский соатига 20 гектарга яқин майдондаги ғўзаларни дорилаб, нормани анча ошириб бажармоқдалар. Бу хўжаликда ОДН ёрдами блан ғўзаларга дори сепучи механизаторлар яхши меҳнат қилмоқдалар. А. Мамедов, Г. Боқиев, Д. Тонровлар топширқини ҳаркуни ортиғи блан бажараётирлар.

Бу йил область совхозларида бултурғига нисбатан икки баравардан ҳам кўпроқ майдондаги ғўзаларнинг барги суний равишда тўкилади.

Янгийўлда пахтани машина блан теришга тайёргарлик ишлари пайсалга солинмоқда

(«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбиридан).

«Урожай» радиоприёмниги ёнидаги телефон қайта-қайта жирингади.

— Эшитаман, Александр Иванович, қулоғим сизда.

— Анастасия Петровна, яна Балмашнов безовта қилаяпти, қайси колхозлар ғўза баргларини сун'ий равишда туширишга киришди?

— Ишимиз чатоқ, Александр Иванович. Фақатгина 25 гектар ерга дори сепилди...

Янгийўл район партия комитетининг секретари ўртоқ Балмашнов 1-нчи МТСнинг бош агрономи ўртоқ Журба орқали ўзини қизиқтирган ана шу фактларни сўраб олди. Ўртоқ Журба ҳам МТС хизмат қиладиган колхозларда пахтани машина блан теришга тайёргарлик олдингидек ёмон аҳволда эканлигини очиқ айтиб қўяқолди.

Хўш, шу хилдаги телефон қоқишлардан кейин районда бу соҳада бирор ўзгариш юз бераётибдими, деб сўрарсиз Афсуски йўқ, ҳечқандай ўзгариш бўлмаётир.

Район колхозларида пахтани машина блан териш олдидан ўтказиладиган бу муҳим агротехника тадбирлари ниҳоятда қониқарсиз бажарилмоқда. Бу соҳада районда ташвишли аҳвол ҳукм сураётганига қарамай, райком секретари ўртоқ Балмашнов идорада ултирио олио, жойларга телефон қоқиш блан овора бўлмоқда. Район партия комитети ғўза баргларини тўкиб, пахта майдонларини машина блан теришга тахт қилиб қўйиш учун МТС раҳбарларига ва колхоз раисларига нисбатан етарли талабчанлик кўрсатмаётир. Райондаги деярлик ҳамма колхозларда ҳам ғўза баргини сун'ий равишда туширишга киришилди. Бу муҳим ишга ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қарадилар. Айрим колхоз раҳбарлари пахтани машина блан теришга очиқдан очиқ қарши чиқиб, тайёргарлик ишларини орқага сурмоқдалар. Масалан, Молотов номли колхознинг раиси ўртоқ Исроилов район ташкилотларининг бирнеча бор огоҳлантиришига қарамай, ғўза баргларини тўкучи дориворларни олиш учун керакли бўлган бирқанча муҳим ҳужжатларни расмийлаштирмай отпускага жўнаб қолган. Натижада 10 тонна заҳарли доривор ҳанузгача ташиб олинмасдан ётипди. Бунга қадар келтирилган бирнеча тонна дори ҳам шу кунгача фойдаланилгани йўқ.

Колхозда бу муҳим, кечиктириб бўлмайдиган иш блан деярлик ҳечким шуғулланмаётир. Бу соҳада ўтган йили юз берган жиддий хатолар бу йил ҳам кўрабила туриб такрорланмоқда. Айрим жойларда дори сепиладиган ғўза қатор оралари суғоришга йўл қўйилмоқда. Колхозларда ҳам ғўза баргини сун'ий равишда туширишга, ҳосили машина блан териладиган карталарни тайёрлаб қўйиш ишлари очиқдан-очиқ пайсалга солинмоқда. Районнинг кўпчилик колхозлари ғўза баргини тўкучи заҳарли дориворларни ҳанузгача ташиб олмаганлар, ташиб олинган дориворлар эса колхоз омборларида ишлатилмай ётипти.

Хасановнинг фаолиятсизлигини шу нарса ҳам кўрсатиб турибдики, ҳали колхозда пахтаси машина блан териладиган участкалар тўла ажратиб чиқилмаган. Участкалар қачон ажратилади-ю, қачон машиналар тайёр қилинади?

Районнинг бир қатор колхозларида ғўза баргига дори сепиш бошланмаганига «пахта ҳали очилганича йўқ» деган ўринсиз баҳоналар пеш қилинмоқда.

2-нчи МТСнинг директори ўртоқ Галицинский ғўза баргларини барвақт дорилашга очиқдан-очиқ қарши чиқмоқда.

7 сентябрь куни Ленин номли колхозда «пахта очилмаган» баҳонаси блан 400 гектар ердан атиги 25 гектарига аэропланда дори сепилди. Колхозда бу ишга мутлақо тайёргарликсиз киришилгани орқасида 5 ва 10-нчи бригадаларда ғумай босган ерларга ҳам дорилар «таваккал» қилиб сепилаверган. Пахтаси қийғос очилган 30, 28, 4-нчи ва бошқа бригадаларда «дори сепиш ҳали вақт эрта, кўсаклар ҳали етилмаган», деб дори сепучи самолёт қайтариб юборилди. Колхознинг Пискент районидаги участкасида ҳам пахталар очилиб ётганига қарамай, шу вақтгача аҳалли пуркаш учун дорилар келтирилмаган.

Районда дори сепиш учун юборилган самолётдан тўла фойдаланилмаётир. 4 кун ичида дори сепучи самолёт фақат гина бир соат ишлаган.

Райондаги МТСларда мавжуд пахта териш машиналари ҳануз тўла ремонтдан чиқарилган эмас. Колхозларга уларнинг ярмиси ҳам жўнатилгани йўқ.

Республика Қишлоқ хўжалиги министрлигининг шу йил 364 сонли буйруғида ҳар тупда бир-икки пахтаси очилган ерларни ёппасига дорилаш кўрсатиб ўтилган эди. Лекин тупида 4—5 та пахтаси очилган ерлар кўп бўлишига қарамай, Янгийўл районида бу буйруқ тўла бажарилмаётир.

Шуни э'тироф этиш керакки, Янгийўл районида пахтани машина блан теришда ўтган йили ҳам кўпгина жиддий хатоликларга йўл қўйилгани туфайли пахта йиғим-терими гоят чўзиб юборилди, пахта нобудгарчилигига йўл қўйилди. Оқибатда областьдагина эмас, бутун республикада юқори ҳосилли ҳисобланган бу район пахта тайёрлаш планини бажараолмасдан, давлатдан кўп тонна пахта қарздор бўлиб қолди. Бу аччиқ фактдан район партия ва совет ташкилотлари бу йил тегишли хулоса чиқаришлари керак эди. Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, Янгийўл районининг раҳбарлари пахтани машина блан теришдек муҳим ишга бу йил ҳам панжа орасидан қарамоқдалар. Пахтачиликда энг мураккаб иш бўлган ҳосилни йиғиб-териб олишни механизация асосида бажаришга нисбатан бундай нотўғри муносабатда бўлиш кайфиятларига ўз вақтида қаттиқ зарба берилиши керак.

М. ҒОЗИЕВ.



Рассом Н. Меламед.

Чигит ерга тушмасдан
Раис ховлиқиб қолар,
МТС директорин
Кўндириб, қўлин олар:

«Шарт шу — машина-филни
Ишлатаман, битта гап.
Фалон гектар ҳосилни
Териб берсин тонналаб».

Куз. Пахтазор четида
СХМлар кўринди.
Лекин раис, қорасин —
Кўрасолиб, уринди:

«Йўл берк машина учун!»
Йўлини тўсиб олар.
Режа, натижа бошқа,
Айниган бўлиб қолар.

Фасллар

Ҳабиб НУ'МОН.

(ПОВЕСТЬ*)

Ҳамма чиқиб бўлди. Энг охирда агроном, Аҳмедов, Шерматота, улар кетидан Саодатхон блан Лолахон кўринди. Бошқалар партия ташкилотининг хонасига кириб кетгач, коридорда Саодатхон блан Лолахон қолди.

— Салом, опа, яхшимисиз?

— Салом, Алижон. — Саодатхон анчадан бери Алижонни кўрмаган эди. Алижон аввалгидан анча тўлишган. Ўртадан баланд, тик қоматига пальтоси тор келиб қолгандек кўринар эди.

— Бугун тўгарак машғулотини Алижонака олиб борадилар, деб Лолахон мени қўярда-қўймай олиб келган эдилар, нега ўзингиз ўтказмадингиз?

Алижон Лолахонга қаради. Лолахон Саодатхоннинг пинжига кирган ҳолда ер тагидан Алижонга термулиб қараб турар эди.

— Мен бошқа мавзу'ни ўтказақолай деган эдим. — Алижон кулди. — Тўғрисини айтсам, Саодатхон опа, юрагим дов бермади, анча нарса билиш керак экан.

— Ҳа бўлмасачи, кўпроқ китоб ўқиб туриш керак.

Аҳмедов ўз хонасидан чиқиб, Саодатхондан сўради:

— Кетамизми?

— Ҳа, — Саодатхон Алижон блан хайрлашди. Лолахон Саодатхон блан ёнма-ён ташқарига чиқаркан ёнига ўгирилди:

— Хайр, Алижон ака.

— Хайр, Лолахон.

Алижон Лолахоннинг ҳозирги қараши ва сўз оҳангидан ҳар галгидан бошқачароқ ма'нони, ачиниш ва юпатишга ўхшаш ифодани сезди.

IV

Иссиқ ва озода чойхонада ҳангамалашиб ўлтирган кексалардан бири деразани қалин қоплаган муз гулларга қараб бу йилги кишнинг ҳосияти ҳақида гапирар эди:

— «Оқ туя» рэса яхлит чўкди-да, ернинг жони кирди десангизчи.

— Нимасини айтасиз, — иккинчи қария сўзни улаб кетди. — ботмон ерга минг арава гўнг солганда ҳам бунақа кўпчитолмайди, йилт этиб кун илиса борми, шудгор бир метр кўтарилиб кетади.

— Кўклам яхши келса, ҳосилнинг бўлишини кўрасиз, — деди намат чакман кийган чорпаҳиндан келган кекса. Ерлар ҳам роса ағдариб шудгор қилинди.

— Биз ҳам деҳқонмиз деб юрган эканмиз, ҳосил бунақа бўлар эканку. — Боядан бери индамай ўтирган жиккакина, серсоқол кекса ҳамманг устуннинг тепасига боғлаб қўйилган бир туп ғўзага қарашга имо қилди. — Уни қаранг, нафсамбирини айтганда, ота-бобомизнинг замонидан бери бунақанги пахтани ҳечким кўрмаган.

Ғўза жуда бўлиқ эди. Пояси теша дастадек келади, шохи 15 тадан кўпроқ. 40 га яқин йирик кўсагининг ҳаммаси очилган, пахталари лўппа-лўппа бўлиб турипти. Қариялар неча бор кўрган бўлсалар ҳам, яна қизиқиб тикилдилар.

— Кимнинг участкасидан, шу?

— Билмадим, мулла Рамазон билади. Кимнинг участкасидан эди?

Чой дамлаётган самоварчи — Рамазонака уларнинг сўзини эшитмадими, ёки ҳаёли бошқаёқда эдими, дарров жавоб бераолмади, чойнакка чойни дамлаб, бир-икки қайтарди-да, пиёлага озгина «эзма»дан ташлаб чоллар даврасига олиб келди. Чойнакнинг бандини чой қуючига тўғрилаб қўйиб:

— Алижоннинг пахтасидан, — деди.

— Қайси Алижон?

— Алижон Тошматов.

— Назарвойнинг бригадасидагичи.

— Ҳа, паркентли йигитми? Ўшаникидан, денг, пахтаси роса бўлган дейишарди-я.

— Теримда бўлгансиз, — намат чакмонли кекса ўқтирди, — дўнг ариқнинг бериги ёғидаги ердан терган эдикку, ўша-да, нега эсингиздан чиқардингиз?

— Эсимда-эсимда, «Оталаримиз келиб қолишибди, бир палов қилиб берайлик», деб рансга гапирган.

— Ўша-ўша, паловни биз блан бирга ўлтириб еди. Жонон йигитда, ўзи ҳам роса азамат бўлган.

— Тажрибаси ҳам яхши дейишади.

— Еш-да, ҳозирги ёшларнинг фаҳми ўткир, паст-баландни дарров пайқаб олади.

— Қариялардан Шерматвой-ю, ёшлардан бу чиқибди-да.

— Шерматота Алижондан кейинда қолиб кетди, — деди Рамазонака, — Қайтага қизи ўткир чиқди. Колхозда Алижон блан шу қиздан олдинга тушган бўлмапти.

— Ҳа-ҳа, ёш қизчага, Шерматвой нега бундоқ бўпти, ҳаммавақт олдинда юрар эдику.

Кечки пайт бўлганлиги учун чойхонада одам сийрак эди. Рамазонака нариги даврага бир-икки чойнак чой дамлаб олиб бориб бергач, жўмрак тагига борди. Табуретка қўйиб ўлтириб олди-да, бўш чойнакни сочиқ блан артабошлади. Чойнакнинг жўмракларини, қопқоқларининг зиҳини эринмасдан тозалади. Шу зайлда тўрт-беш чойнакни тозалади. Самоварнинг кулдонини ингичка сим блан атрофлаб ковлаб, бир-икки қисм кул туширди-да, ўтхонасига тошқўмирдан икки-уч бўлак ташлади. Бармоқларига ёпишган қорани пуфлаб туширибқ, қўлини умивальникда ювди. Сўнгра кексаларга яқин жойдаги устун тагига бориб ўлтирди. Бир кекса уни кутиб тургандек қизиқиб сўради.

— Алижоннинг бу ерда кими бор, ҳозир кимникида туради?

— Колхозда ўзидан бошқа ҳечкими йўқ. Поччаси кўчиб кетгандан бери бухгалтернинг уйида ётиб юрипти.

— Ундоқ бўлса Шерматвой ўғил қилиб олса ҳам бўлар экан, — чойни қайтараётган кекса чойнак устига дастрўмолини ёпгач, Рамазонакага тикилди. Бошқалар ҳам чойхоначига қараб турардилар. Чунки улар «айгоқчи» шу ҳақда ҳам бир нарса билади, деб ишонардилар.

Рамазонака ош кишилларда бўладиган хусусиятга эга. У колхозда бўладиган воқиаларни ҳаммадан олдин билади. Бирор янгилик тўғрисида овоза тарқалса одамлар «ким айтди?» деб сўрайдилар. Агар «Рамазон акадан эшитдим» деса ростлигига ишонадилар. Қишлоқда қандай ўзгаришлар бўлишини, мактабда бу йил қайси ўқитучи кетиб ўрин янгиланишини, ким качон тўй қилишини, қайси йигит кимнинг қизи блан гапиришиб юрганини Рамазонака билиб олишга қизиқади. Иш қилиб, ер тагида илон қимирласа, биладиганларнинг хилидан.

— Шундай қилса ҳам бўлади, — деди ма'нолик қилиб Рамазонака.

У яна нима ҳам демоқчи эди, эшик очилиб, паст бўйлик, ясси юзлик, қора пальтосининг ёқасига қўзи баррасини тутган, бошига кепка кийган бир йигит кириб келди. Рамазонака бир чимирилди-ю, лекин дарров авзойини ўзгартириб:

— Келинг-келинг, ўртоқ Қосимов, — деди.

Қосимов мушукқараш қилиб ҳаммага бир сидра кўз югуртириб чиққач, беріроқдаги кроватнинг бир бурчига ўлтирди.

— Қани буёққа, домла, — қариялардан бири таклиф қилди.

— Раҳмат, шу ерда экансилар, оталар, баҳазур ўлтиринглар. — Қосимов девордаги суратларга кўз югуртириб чиқиб ўзинча «Да» деб қўйди.

Рамазонака бир чойнак чойни дамлаб келиб, Қосимовнинг олдига қўйди-да, илжайди:

— Домла кечадан бери дарагингиз йўқ, сесарканинг тухумидай кам кўринадиган бўлиб қолдингиз.

Қариялар кулиб юбордилар. Қосимов Рамазонаканинг зам-замасига тушуниб қақиллаб кулиб, батинка шимининг почасига бир уриб қўйди:

— Кетди, олдингиз-олдингиз Рамазонака, — Қосимов кулгидан тўхталиб чойни қайтарди-да, ўзича яна илжайиб «Хорошо» деди. Лекин бирдан шошиб, ўнг қўлининг билагини даҳанигача кўтарганча, соатига қаради. У бировни кутганга, ёки бирор одам блан учрашиш учун ма'лум вақтда тайинланган жойга бориши зарур бўлган кишига ўхшар эди. Шунинг учун бўлса керак, эшикдан кирган одамларга дарров тикилар, дамбадам соатига қараб ўлтирарди. Шу зайлда бир чойнак чойни ичиб ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Нега кузғолдингиз?

Соатига яна бир қараб олган Қосимов истар-истамас деди:

— Бир одам келмоқчи эди.

— Ғуломжондир-да.

Қосимов ҳар гал чойхонага кирганда узоқ ўлтирар ва Рамазонаканинг қисияларига ҳиқиллаб кулар, ўзи ҳам аския қилмоқчи бўлар эди. Кўпни кўрган самоварчи унинг ясама ҳаракатларига, айниқса ёлғондакам кулгисига ғаши келса ҳам қаттиқ гап айтмас, лекин «ичингда нима борлигини билиш қийин»га ўхшайди» деб ўйлар эди.

Қосимов нима деб жавоб беришини билмай ҳайрон бўлиб қолди. «Ўқ» дейишга оғзи бормай, индамаганича чиқиб кетди. Унинг кетидан Рамазонака:

— Шу одамга ҳайронман, — деди, — одамзоднинг юзмингикки хилини кўрдиму бунақасини учратмаган эканман, нима эканлигини тушуниб бўлмайди. Олдимга кўп кириб туради. Ба'зан яним кечада келиб қолади. Қизиқ: ўзи бир гапни бошлаб қўяди-да, уёгини айтар десанг, сенинг оғзингга тикилади. Ҳамма гапи ўсмоқчилашдан иборат-а. Товба. Олам ҳам шунака бўладими?!

— Бу домла қаерлик, мулла Рамазон.

— Домла эмас, мактабнинг завхози эди. Ҳозир колхозда табелчи. Домлалик кўчасига кирмаган. Нуқул ундан сув-бундан сув қилиб юрганлардан бўлса керак. Магазинга дурустроқ нарса келса, ҳаммадан аввал шу «домла»нгиз ҳозир бўлади. Чамамда отаси не катта баззоз, ё чорбозорчи ўтган.

— Оббо, роса тўй кийгизасиз-эй!

— Рост гап шу, ҳазили йўқ.

Орадан ярим соатча ўтгач, Ғуломжон кирди. Ўёқ-буёққа қаради-да, ўлтиришини ҳам, кетишини ҳам билмай туриб қолди, бировни сўрамоқчи бўлса ҳам нимагадир ўнгайсизланиб, аланг-жаланг қилар эди. Буни сезган Рамазонака:

— Қосимов сени пойлаб ўлтириб, яқинда кетди. Ҳозир уйида бўлса керак.

Ғуломжон ма'кул, дегандек чиқиб кетди.

— Қойилман, мулла Рамазон, одамнинг баҳорасидан нима демоқчи эканини биласизми, дейман.

— Жилла, унчалик бўлмаса ҳам, шунга яқинроқ — самоварчи илжайиб қўйди. — Иккиси бир-бири блан иноқ.

— Шу бола ичоғич чиқибдими, — жиккак қария бўйнини чўзиб Рамазонакадан сўради.

— Ҳа, ичишдан тиндираяпти, «ўлфатинг ола қарға бўлса, емишинг фалон» деганлар, ўлфат носоз — ўлфат.

V.

Ўтган йил солинган болалар боғчаси ёнидаги тўрт хоналик уйнинг бир хонасида чироқ ёнилиқ, бошқалари қоронғу эди Чироқнинг шу'ласи атрофни хила сритиб туради.

Квадрат шаклдаги хонанинг кўча тарафдаги қўшдеразасига тортилган парда ярим очиқ эди. Ҳамма хоналардаги каби бу хонада ҳам ёзув столи, иккі стул, шкаф, битта кровать қўйилган. Булар мактабнинг аш'ёлари бўлиб, Қосимовга тегишли нарсалар чемодан, кўрпа-ястиқ ва бошқа майда-чуйдадан иборат эди.

Қосимов шиша тагида қолган арақни катта стаканга яримдан ошириб қўйиб бир кўтаришда ичиб тугатди. Кетидан оғзига хечнарса олмай бир сесканди-да, тинчиди. Кўзлари боягидан ҳам қизариб кетди. Ранги оқ-қизил аралаш қизғиш тус олди. Чеҳрасида кўриниб турган хурсандлик негадир кейинги стаканни кўтаргандан сўнг кучайиш ўрнига гоҳо чуқур ўй ва хаёл блан алмошиниб турди.

У бир нарсани хазм қилгандек, ўлтирган жойида бир деписиниб олди-да, кастрюльдан чойнакка сув қуйиб, плитканинг вилкасини девордаги штепсельга тиқиб қўйди. Сўнгра уёқ-буёққа юриб, ўзича нималарнидир ўйлади. Кўнгилга бирор гап ма'қул келиб қолган кезларда худди ёнида одам бордек, бирдан кулиб кўяди ва бошини чайқаб кулгидан тўхтарди-да, яна нималарнидир ўйлаб кетар эди.

Хонанинг у бошидан бу бошига бирнеча бор бориб келди. Шу орада чойнакнинг қопқоғини очиб кўрди, шкафдаги китобларни олиб варақлади, хатларига, фото суратларига қараб, жойига қўйди. Яна тикка туриб уёқ-буёққа юрабошлади. Ҳарбир бориб келишида ичига бир нарса сиғдираолмагандек елкасини юқори қилар, қўлтиқлари керилиб, қўллари тарвақайлаб кетарди. Гўё бу ҳаракат блан жасадини катта қилиб кўрсатишга урунаётганга ўхшар эди.

Хона ўртасида бирдан тўхтади. Деразаларнинг пардасини яхшилаб ёпиб кровать тагидаги каттагина чемоданни олиб очди. Чемоданда ҳархил кийимлик газламалар бор эди. Бирма-бир олиб қараб, яна жой-жойига тахлади. Энг устидаги духобани ёзиб чироққа яқинроқ тутиб кўрди. Духобанинг товланиб туручи гунафша рангига тикилар экан худди пул топиб олган бола каби суюнди. Уни бугун нариги участкадаги магазиндан олган эди; тахлади-да, «Хорошо» деб бош силкиб қўйди.

Шу он эшик тақиллаб қолди. Кимлигини ўйлаб ўлтирмай «Да» деб юборди. «Мумкинми» деб Ғуломжон кириб келди.

Қосимов духобани чемоданга солди-ю, «келинг-келинг» деб таклиф қилди. Духобанинг бир учи қопқоғига қисилиб қолгани учун чемодан ярим очилиб колган эди. Ғуломжон кўзининг қирини бир ташлади-ю, кўрмаган киши бўлиб стулга ўлтирди.

— Нега кечикдингиз, роса кутдимда, — деди Қосимов ўнгайсизликдан чиқиш учун сўзини бўртдиришга ҳаракат қилиб, — Чойхонада бирор чойнак чойни ичкунча ўлтирдим. Сиз балки бу ерга келгандирсиз деб ўйладим. Ўқитучилар шаҳарга тамошага кетаётган экан, роса қиқишди.

— Ўйда айланишиб қолдим, тўғри келаверай дедиму яна чойхонадан хабар олдим. Рамазонака сизни ҳозир кетди, — деди.

Қосимов ўйланиб қолди.

(ДАВОМИ БОР).

*) Бошқа газетамизнинг 7 сентябрь сонида босилган.

Редакция почтасидан

„Қулай маршрут“

Такси машинаси ғизиллаб келиб, «Эскижува»да тўхтади. Машина кутиб турган кишилар бирданига таксининг устига ёпирилдилар. Ҳаммадан илгари буерга келиб, машина кутиб турган киши шоферга мурожаат қилди:

— Марҳамат қилиб, мени «Текстилькомбинат»га элтиб қўйсангиз.

— Йўқ, мен Текстильга бормайман, — деди шофер. — Шунча одам бозорга бораман деб турибди, битта ўзингизни Текстильга олибборайми!

— Менинг бозорда ишим йўқ, — деди пассажир. — Текстильга боришим керак.

— Ана троллейбус. Тушинг тезроқ, мени йўлдан қолдирманг — деди шофер машинанинг эшигини очиб, пассажирни итариб туширмоқчи ҳам бўлди.

Лекин, пассажир ҳам бўш келмади. «Мени Текстильга олиб борасиз» деб ўтираберди.

— туш дейман, — деб дўқ қилди шофер пассажирга — туш!

— Йўқ, тушмайман, навбат меники, мен қаерни истасам олиб боришингиз, кира ҳақини олишингиз керак.

Шофер пассажирга қаттиқ хўмрайдида кабинадан чиқиб, машинанинг тумшуғидан айланиб ўтиб, эшикни очди.

— Туш!

— Тушмайман.

Машинанинг орқасига аллақачон ўтириб олган пассажирлар ҳам шофернинг сўзини қувватладилар:

— Биродар, ахир Текстильга бормайман деяптику, тушингда...

— Чиқ машинадан, — деди шофер яна қизишиб.

— Йўқ, чиқмайман

Шофер бор кучи блан пассажирнинг қўлидан тортиб, ташқарига сурди, енгини йиртди. Пассажир ўзини ўнглаб олгунча шофер олти кишини қамаб, жўнаб кетди.

— Хафа бўлманг, оғайни, — деди остановкада турганлардан бири, — бугун чоршанба — бозор. Таксиларнинг нишаби шуёққа оққан кун.

Енги йиртилиб, та'би хира бўлган халиги киши турган жойида дим қотиб, ҳарбир машинага қўл кўтарар, лекин бирорта такси «Текстилькомбинат»га боришга кўнмай, бир қайрилиб, мол бозорига жўнаб қолар эди. «Эскижува» блан Октябрь колхоз бозори ўртасидаги 2 километрлик масофада юзларча «такси»лар турна қатор бўлиб ғизиллар, машина сигналларининг овози қулоқни қоматга келтиради.

— Нега ахир, улар городга чиқишмайди, — сўради киши.

— Содда экансиз, — деди Латифака — ахир бозорга қатнаса шофернинг чўнтаги тезроқ қампаяди, пули кўпаяди.

Ҳақиқатан ҳам ҳафтанинг чоршанба ва якшанба кунларида шаҳарнинг марказий ерлари — театр майдони, Горький номидаги маданият ва истироҳат боғининг олди ва умуман таксилар тўхтайдиган махсус жойдан керак маҳалда машина топиб бўлмайди. Такси шоферларининг деярлик ҳаммаси «Эскижува»га қараб жўнаб қоладилар. Кейин «Эскижува»дан Октябрь колхоз мол бозорига бўлининг мокисидек қатнайвериб, машина шўрликнинг роса тинкаси қурийди. Брок унинг ичида ўтирган шофер 2 километр масофа учун машинага тушган 4 кишининг ҳарбиридан 3 сўмдан пул олавериштан сра чарчамайди. Масалан, 8 сентябрь, чоршанба куни Собир Зукуров (Тошкент район, Эркин қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз а'зоси), Раҳим Давронов (Жанубий Қозоғистон областининг Бўстонлиқ районидан), Эргаш Сотиболдиев (Сурхондарё областидан), Ким Александр (Ўртачирчиқ районидан) ўртоқлар Еф 09—40 такси машинасига тушиб, «Эскижува»дан Октябрь район колхоз мол бозоригача бордилар. Бу машинани бошқаручи шофер Балакин масофанинг икки километрлигига қарамасдан, уларнинг ҳарбиридан 3 сўмдан пул йиғиб олди. Ваҳоланки, тариф бўйича пассажирлар ҳар бир километрга бирталикда 2 сўмдан пул тўлашлари керак эди. Ноинсоф Балакин эса, 4 одамдан 4 сўм ўрнига 12 сўм пул ундириб олди.

Пассажирлардан Эргаш Сотиболдиев:

— Бугун такси шоферларининг ошиғи олчига ўхшайди. Ҳар 4 одамдан 8 сўм олиб қолаверса, пул топиш буларга чўт бўлмай қолибди, — деди ҳамроҳи Собирга.

— Тўғри айтасиз, бозор кунлари аҳвол шу, — деди Собир

Шу куни ЕХ 07—05, ЕФ 54—61, ЕЗ 96—58 такси «Победа»ларининг шоферлари Беседин, Муҳамедов, Тоҳировлар ҳам Балакин «методи»ни қўлланиб, 2 километр масофа учун ҳар тўрт пассажирнинг ҳарбиридан 3 сўмдан 12 сўмни «қуртдек» қилиб олабошладилар. Шунингдек, ЕЗ 73—76, ЕЗ 07—10, ЕФ 46—67, ЕЗ 73—30 номерли машиналарнинг шоферлари ҳам пул ишлашда юқорида номлари кўрсатилган шоферлардан қолишмадилар.

Шаҳар таксимотор базасининг директори М. Драйковская, машина эксплоатациясининг бошлиғи Хаванцев ўртоқлар такси шоферларининг меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатиш ўрнига ўз шахсий манфаатларига берилиб кетганликларидан хабарлари йўқ дейсизми? Бизнингча улар бу «қулай маршрут»дан манфаатдор бўлмасалар, шоферларни бунчалик бебош қилиб қўймаган бўлардилар.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Т. УНАБОЕВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

Колхозчилар талаби қондирилсин

Оққўрғон район, Алимкент қишлоқ советидаги Тельман номли колхозда шу вақтгача кутубхона ташкил қилинмаган. Колхоз правлениеси мажлисларида колхоз активлари маданий-оқартув ишларига ҳам э'тибор бериш ва колхозда кутубхона ташкил қилиш ҳақида бирнеча бор таклифлар киритдилар, аммо колхоз раиси ўртоқ Х. Отабеков бу масалага э'тибор бермаётир.

Ҳарйили колхоз правлениеси маданий-оқартув ишлари учун пул ажратади. Лекин бу пул бошқа эҳтиёжларга сарфланмоқда. Колхоз раҳбарлари «Жанговар варақа»лар чиқариш, колхозчилар орасида агитация-пропаганда ишларини кучайтириш, мусобақа илғорларининг иш тажрибаларини оммалаштириш каби масалаларга аҳамият бермаётирлар.

Колхозчилар маданий-оқартув ишларига аҳамият берилишини, ишдан қайтганларидан сўнг кўнгилли маданий дам олишлари учун кутубхона ташкил қилиб беришни талаб қилмоқдалар. Оққўрғон район маданият бўлими ва Тельман номли колхознинг правлениеси колхозчиларнинг ҳақли талабини қондириш чораларини кўришлари керак.

А. БОСИТОВ.

Магазин қачон очиб берилади?

Гулистон район, Крупская номли колхознинг «Чорва» пахтачилик участкасида бундан 2 йил илгари 17-нчи магазин бор эди. Бу магазинни район матлубот жамияти нима учундир ҳозир беркитиб қўйган. Энди бизга туз ёки гугурт керак бўлиб қолган вақтда 4 — 5 километр наридаги магазинга қатнашга мажбур бўлмоқдамиз. Айниқса пахта йиғимтерим даврида, қиш фаслида бу магазинга бориб харид қилишлик колхозчиларнинг кўплаб қимматли вақтларини олади.

«Чорва» участкасида колхознинг 4 та пахтачилик бригадаси бўлиб, у ерда 400 дан ортиқ аҳоли яшайди. Биз район ташкилотларидан магазинни қайтадан очиб беришни бирнеча марта талаб қилдик. Матлубот жамияти магазинда ишлаш учун колхоздан одам ажратиб берилишини талаб қилди. Колхоз сўралган одамни ажратиб ҳам берди. Шундан бери мана уч ой ўтиб кетди. Лекин район матлубот жамияти бу одамни ҳанузгача магазин мудирлигига тайинлагани йўқ. Энди район матлубот жамияти магазин биносини ремонт қилиб беришни талаб этмоқда. Колхоз раиси Ҳасан Турсунқулов магазин биносини ремонт қилиб беришга рози бўлди, кейин нимагадир жаҳил қилиб ремонтни тўхтатиб қўйди. Район савдо бўлимининг мудири Боқибой Рўзимбетов бу ишлардан хабардор бўлса ҳам, магазинни ремонт қилиб, уни тезда ишга туширишга тўғрисида ҳечқандай амалий чора кўрмаётир.

Биз магазин ремонтининг тезда тугатиш ва участкамизда савдо ишларини йўлга қўйиб юбориш учун район ижроия комитети чора кўришини сўраймиз.

Алимбек ОБИДОВ — 10-нчи бригада бошлиғи.

Бердибек ИРИСБОЕВ — колхоз дурадгори.

Исмоил ТОШБОЕВ — звено бошлиғи.

Маҳкам ЎТОБҚУЛОВ — бригада бошлиғи.

Ҳасан ХОЛБОЕВ — 11-нчи бригада бошлиғи.

Британия тред-юнионларининг 86-нчи конгрессига

Раис Д. Ж. Таннерга

Бош секретарь В. Тьюсонга

Брайтон шаҳри, Англия

Қадрли ўртоқлар!

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети совет ишчилари ва хизматчилари номидан Британия тред-юнионларининг 86-нчи конгрессига салом йўллайди ва бу конгрессининг ишларига муваффақият тилайди.

Сизнинг конгрессингиз дун'ё халқлари янги уруш хавфининг олдини олиш ва тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун эўр бериб ҳаракат қилаётган бир пайтда ўтмоқда. Барча мамлакатларнинг касаба союзларга бирлашган миллионларча меҳнаткашлари тинчлик йўлидаги бу курашни қўллаб-қувватламоқдалар. Барча касаба союз ташкилотларининг биргадашиб ҳаракат қилиши ана шу олийжаноб мақсадни амалга оширишда муваффақият қозонишга ва халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатишга шубҳасиз ёрдам берган бўлар эди.

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари каби Буюк Британия ишчилар синфи ҳам тинчликнинг мустаҳкамланишидан ва халқлар ўртасида дўстона муносабатларнинг кучайтирилишидан манфаатдордир. Фашизмга қарши курашда катта роль ўйнаган инглиз ва совет касаба союзларининг биргалашиб ҳаракат қилиши ҳозирги пайтда ҳам тинчлик учун курашга ва халқаро касаба союз ҳамкорлигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшаолади, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабдан, ВЦСПС Британия тред-юнионлари конгрессига мурожаат қилиб, мамлакатларимиз касаба союзлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисидаги ва жумладан, Англия-Совет касаба союз комитетининг фаолиятини яна бошлаб юбориш тўғрисидаги масалани муҳокама этишни таклиф қилади.

Англия-Совет касаба союз комитети ишларининг яна бошлаб юборилиши Буюк Британия ва Совет Иттифоқи ишчилари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ва маданий муносабатларни янада кенгайтиришга, қурол-яроғларни камайтириш ва водород ҳамда атом қуролини тақиқлаш ва халқларнинг коллектив хавфсизлигини та'минлаш учун курашда кучларимизни бирлаштиришга ёрдам берган бўлар эди.

Ҳар икки мамлакат касаба союзларини қизиқтираётган масалаларни муҳокама қилиш учун ВЦСПС Британия тред-юнионлари конгресси делегациясини Совет Иттифоқига таклиф этади ва мамлакатимизда бу делегацияни хурсандчилик блан табриклайди.

Қадрошлик саломи блан

ВЦСПС Раиси Н. ШВЕРНИК.

1954 йил 6 сентябрь.

ИНДОНЕЗИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ПАЛЕМБАНГДАГИ МИТИНГДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

ЖАКАРТА, 8 сентябрь. (ТАСС). Индонезия газеталарининг ёзишига қараганда, Жанубий Суматранинг саноат маркази бўлган Палембангда шаҳар ишчилари ва деҳқонлар-атрофдаги қишлоқларнинг деҳқонларидан иборат 80 мингдан кўпроқ киши қатнашуви блан сайловолди митинги ўтказилган.

Индонезия Коммунистик партиясининг бош секретари Айдит митингда сўзга чиқиб, Суматра аҳолисини тўла мустақиллик учун олиб бораётган курашда биргалашиб ҳаракат қилишга чақирган. «Четэл империалистлари, — деган у, — ҳали ҳам Индонезиянинг деярлик бутун экономикаси устидан контрольлик қилмоқдалар. Улар республикамизни емириб ташлашга интилиб, кетма-кет фитналар ташкил қилмоқдалар. «Дорул Ислом» шайкаларини қўллаб-қувватламоқдалар».

Айдит, «Дорул Ислом» шайкаларини Американинг ба'зи доиралари қўллаб-қувватламоқда, деган. Қийинчиликларни енгиб озодликни сақлаб қолмоқ учун, — деган Айдит, — халқнинг бузилмас бирлигини вужудга келтириш зарур.

Айдит Ғарбий Ириан масаласига ҳам тўхталиб, «Ғарбий Ириани озод қилиш—миллий ишдир», деб та'кидлаган.

ДАМАШҚДАГИ ХАЛҚАРО ЯРМАРКАДА СОВЕТ ПАВИЛЬОНИНИНГ ҚАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

ДАМАШҚ, 8 сентябрь. (ТАСС). Дамашқдаги халқаро ярмарка очилганидан бери ўтган олти кун ичида совет павильонини 150 мингдан кўпроқ киши келиб кўрди. Павильон залларидаги стендлар, экспонатлар ва намойиш қилиб кўрсатиладиган тахталар олдида одамлар тўда-тўда бўлиб тўпланмоқдалар. Қишлоқ хўжалик машиналари, ер қазийдиган ва йўл қурадиган машиналар, босмахона ва тўқимачилик ускуналари, автомобильлар алоҳида э'тиборни жалб қилмоқда.

Сурия ва Ливан матбуотининг якдиллик блан берган баҳосига, қараганда, совет павильони ҳамма павильонлар орасида энг кўп таассурот туғдираётган павильондир, совет павильонида қўйилган моллар эса энг хилма-хил ва энг кўп моллардир. Чунончи, Сурияда чиқадиган «Ал-иншо» газетаси бундай деб ёзади: «Ҳеч шубҳасиз, совет павильони — ярмаркадаги энг чиройлик ва энг катта павильондир. Унда қўйилган экспонатлар рус саноатининг жуда катта муваффақиятларга эришганлигини кўрсатиб турибди...».

«Ан-Насир» газетасининг ёзишича, совет павильони «ярқираб турган оқ саройга ўхшайди». Павильон биноси тепасига учига қизил юлдуз қўйилган тик шпиль ўрнатилган. Совет павильони ўзининг архитектураси ва унда қўйилган молларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан ғоят ҳашаматлидир.

«Аш-шааб» газетаси «Совет павильонини келиб кўраётган кишилар унга қойил қолмоқдалар», деб ёзмоқда.

Бирлашган Миллатлар ташкилотидаги Ҳиндистон делегацияси бошлиғи К. Меноннинг айтганлари

НЬЮ-ЙОРК, 8 сентябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги Лондон мухбирининг хабар беришига қараганда, БМТ даги Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи Кришна Менон 7 сентябрьда Лондонда нутқ сўзлаб, Шарқи-Жанубий Осиё учун пакт (СЕАТО) тузилиши Ҳинди-Хитойдаги яраш битимини бузиб қўйиши мумкин, деган. У айтганки, яраш тўғрисидаги битимларни имзолаган томонлар Вьетнам, Лаос ва Камбоджанинг суверенитетини ҳурматлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олган эдилар. Агар шу уч давлат Шарқи-Жанубий Осиё учун тузилаётган пакт (СЕАТО) та'сири ўтказиладиган район доирасига ҳатто ўз розиликлари блан киритилганлиги тақдирда ҳам (бу тўғрида улардан ҳечким сўрагани йўқ) шунинг ўзи ҳам «суверенитетни қурбон қилишнинг ўзгинаси бўлур эди».

Менон та'кидлаб айтганки, Жанвада Ҳинди-Хитойдаги уч давлат ҳечқандай ҳарбий иттифоққа қўшилмаслик мажбуриятини олган эдилар. Шу блан бирга, Менон шу нарсани имо қилиб ўтганки, агар шу уч давлат «СЕАТО ҳимояси остига» ўтиб қолсалар, буни Ҳиндистон ўша давлатларнинг ҳарбий иттифоққа қўшилиши деб ҳисоблайди.

ШАРҚИ-ЖАНУБИЙ ОСИЁДА АГРЕССИВ ГУРУҲ ТУЗИЛДИ

ШАНХАЙ, 8 сентябрь (ТАСС). Бугун Манилада саккиз мамлакат — АҚШ, Англия, Франция, Австралия, Янги Зеландия, Филиппин, Таиланд ва Покистон вакиллари «Шарқий-Жанубий Осиёда коллектив мудофаа тўғрисида шартнома» деб аталган шартномани имзоладилар. Бу шартнома аслда Осиё халқларига қарши қаратилган ҳарбий пактдан иборатдир. Шартномада унга қўл қўйган мамлакатлар ўз ҳарбий потенциалларини «қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради», деб кўрсатилади.

Узил-кесил текстда Америка проектининг 4-нчи моддаси сақланган: Бу модда пакт қатнашчиларининг Осиё халқларининг миллий озодлик ҳаракатига қарши биргаликда ҳаракат қилишларини кўзда тутади.

Шартнома текстидан «коммунистик хавф» тўғрисидаги эскартма чиқариб ташланган бўлса ҳам, Қўшма Штатлар вакили шартнома ҳудди «коммунистик мамлакатларга» қарши қаратилган деб айтди. Бу баёнот шартномага АҚШ нинг изоҳи сифатида киритилди.

Шартнома муайян бўлмаган муддатга тузилди.

Шартномага илова қилинган протоколдан шартноманинг Камбоджа, Лаос ва Вьетнамга ҳам татбиқ қилиниши ма'лум бўлиб қолади. Ма'лумки бу ҳол Жанва битимларига тўғридан-тўғри қарама-қаршидир.

Афғонистон газетаси Осиёда ҳарбий блоклар тузиш йўлидаги Америка сиёсатини танқид қилмоқда

КОБИЛ, 8 сентябрь. (ТАСС). Афғонистонда чиқадиган «Анис» газетаси Қўшма Штатлар томонидан Осиёда тузилаётган агрессив блокларга Осиё мамлакатларининг иштирок қилишига қарши мақола босиб чиқарди.

Шарқ халқларининг онгида, деб ёзади газета, жуда катта ўзгариш рўй берди. Ҳозирги вақтда мустамлака ҳукмронлигидан қутилиш Африка ва Осиё мамлакатларининг проблемаси бўлиб қолди. Шу сабабли улар Ғарб блан тузиладиган пактларда иштирок қилишни истамаётирлар.

ГОМИНДАНЧИЛАРНИНГ ЯНГИ ИҒВОГАРЛИКЛАРИ

ПЕКИН, 8 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг билдиришича, 7 сентябрьда чанкайшичиларнинг 42 та самолёти Амой шаҳрига ҳужум қилган. Бундан ташқари Цзиньцзяндан жануброқда Шигэнцуньга ва Упуга ҳам ҳужум қилинган. Шигэнцуньда бирнеча бино вайрон қилинган, 4 киши ўлган ва 2 киши ярадор бўлган. Упуда 2 киши ярадор бўлган.

Халқ-озодлик армиясининг зенит артиллерияси қисмлари 3 самолётни уриб туширганлар ва 20 та самолётга шикаст етказганлар.

Авиациянинг ҳужуми блан бир вақтда чанкайшичиларнинг 5 та ҳарбий кемаси ва Куэмой (Цзиньминьдао) оролидаги чанкайшичилар артиллерияси Амой шаҳрини тўпга тутган.

7 сентябрьда чанкайшичиларнинг самолётлари Пинтань ороли устида, шунингдек Фуцзянь вилоятидаги Сянью ва Фучжоу шаҳарлари устидаги ҳаво доираларига бостириб кирганлар.

ЛИВАН ҲУКУМАТИ ИСТЕ'ФО БЕРДИ

ЛОНДОН, 8 сентябрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Байрутдан хабар беради: расмий ахборотда билдирилишича, бугун Ливан ҳукумати ўзининг исте'фо берганлиги тўғрисидаги аризасини президент Шамунга топширган.

Ахборотда айтилишича, президент янги ҳукумат тузиш масаласида маслаҳатлашабошлаган.

Совет ҳукумати делегациясининг Болгарияда бўлиши

СОФИЯ, 8 сентябрь. (ТАСС). Совет ҳукумати делегациясининг а'золари: КПСС МК Президиумининг а'зоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. З. Сабуров, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Н. Беспалов, Украина ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. С. Сенин ва армия генерали С. С. Бирюзов бугун Болгария ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Герасимов, ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг директори А. Алексиев ва СССР нинг Болгариядаги элчиси Ю. К. Приходов блан биргалиқда Георгий Димитров мавзолейини зиёрат қилдилар ва гулчамбар қўйдилар.

Совет ҳукумати делегациясининг а'золари сўнгра В. И. Ленин номидаги металлургия заводини, «Студена» сув омборини ва София областидаги «Петирча» меҳнат кооператив-деҳқончилик хўжалигини бориб кўрдилар. Совет ҳукумат делегацияси блан бирга Болгария Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. Чанков ва СССР нинг Болгариядаги элчиси Ю. К. Приходов ҳам бор эдилар.

БОЛГАРИЯ ОЗОД ҚИЛИНГАНИГА 10 ЙИЛ ТЎЛИШИНИНГ БАЙРАМ ЭТИЛИШИ

1954 йил 8 сентябрьда Софияда тантанали мажлис

СОФИЯ, 8 сентябрь. (ТАСС). Болгария озод қилингач куннинг ўнйиллигига бағишланиб, бугун Халқ театрида тантанали мажлис бўлди.

Министрлар Совети Раиси В. Червенков, Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси Р. Дамянов, Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Югов, Г. Трайков, Г. Чанков, И. Михайлов, Р. Дамянов, Болгария Коммунистик партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Т. Живков, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари Г. Цанков, Е. Стайков президиумда пайдо бўлиши блан мажлисдагилар уларни гулдурос қарсаклар блан кутиб олдилар.

Мажлисга йиғилганлар Совет ҳукумати делегациясининг а'золари — КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'зоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. З. Сабуровни, РСФСР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Н. Н. Беспаловни, Украина ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари И. С. Сенинни, армия генерали С. С. Бирюзовни, шунингдек Хитой Халқ Республикаси ва халқ демократияси мамлакатлари ҳукумат делегацияларини қизғин суратда табриклайдилар.

Тантанали мажлисда СССРнинг Болгариядаги элчиси Ю. К. Приходов ва дипломатик корпуснинг бошқа а'золари ҳозир бўлдилар.

Болгария Министрлар Советининг раиси В. Червенковнинг болгар халқининг 1944 йил 9 сентябрьдаги қўзғолонининг ўнйиллигига бағишланган доклади эўр э'тибор блан тингланди ва гулдурос, давомли қарсаклар блан бирнеча марта бўлиниб турди.

Сўнгра Совет ҳукумати делегациясининг бошлиғи М. З. Сабуровга табрик учун сўз берилди. М. З. Сабуров минбарда пайдо бўлиши блан улуғ совет халқи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати шарафига гулдурос овация бошланиб кетди.

Залда қарсаклар янграйди ва «Абадий дўстлик!» деган хитоблар айтилди.

М. З. Сабуров Болгариянинг фашистлар асоратидан ва четэлларга қарам бўлишдан қутулганига 10 йил тўлганлиги муносабати блан болгар халқини совет халқи, Коммунистик партия ва Совет Иттифоқи ҳукумати номидан қизғин табриклади ва қутлади, социалистик қурилишнинг улуғ ишида, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда болгар халқига янги муваффақиятлар тилади.

М. З. Сабуров, яшасин эркин, мустақил, халқ демократик Болгарияси, яшасин қардош болгар халқи ва Болгария Коммунистик партияси, яшасин абадий ва бузилмас болгар-совет дўстлиги, деб хитоб қилди.

Мажлис қатнашчилари М. З. Сабуровнинг охирги сўзларини ўринларидан туриб гулдурос, давомли қарсаклар блан кутиб олдилар. Совет Иттифоқи шарафига қилинган овациялар янграб кетди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва СССР Министрлар Советига ёзилган табрикнома ғоят баланд руҳ блан қабул қилинди.

ЭЙЗЕНХАУЭР СЎЗИ

НЬЮ-ЙОРК, 8 сентябрь. (ТАСС). АҚШда атом энергияси блан ишлайдиган биринчи электростанцияга пойдевор қурилиши муносабати блан президент Эйзенхауэр Денверда (Колорадо штати) радио орқали нутқ сўзлади.

Президент нутқининг пропаганда характерида эканлиги э'тиборни ўзига жалб этади. Совет Иттифоқининг тинчлик мақсадларида атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги муваффақиятлари ва Совет Иттифоқининг инсониятни атом ҳамда водород урушидан қутқазишга қаратилган тадбирлари ғоят кенг қўллаб-қувватланаётганлиги шу нутқнинг пропаганда характерда бўлишига сабаб бўлса керак.

Эйзенхауэр АҚШ «тинч мақсадлар учун янги атом техникасини ишлаб чиқиш ва ёйишга ёрдам берадиган «халқаро орган» тузабошлаш ҳақида «бирқанча мамлакатлар блан» келишилганлигини э'лон қилди. Ма'лумки, Эйзенхауэр 1953 йил 8 декабрьда сўзлаган нутқида «атом пули»ни (бирлашмасини) вужудга келтириш идеясини биринчи марта илгари сурган эди. У ўша вақтда атом хомаш'ёси запасларининг «қандайдир бир қисми»дан тинчлик мақсадлари учун фойдаланишни таклиф этган эди. Бу таклиф масалани ҳал этишга ёрдам бераолмайди, чунки атом материалларининг, асосий қисмидан атом ва водород қуроллари ишлаб чиқариш учун аввалдагидек фойдаланиб келинур эди. Шу блан бир вақтда АҚШ Совет Иттифоқининг атом, водород қуролини ва бошқа ялпи қирғин қуролларини қўлланмаслик юзасидан тантанали суратда ва сўзсиз мажбурият олиш тўғрисидаги таклифни қабул қилишдан бош тортмоқда. Қўшма Штатлар жаҳон жамоатчилигини қизиқтираётган ана шу асосий масалага э'тибор бермай, жаҳон жамоатчилигининг э'тиборини сусайтиришга уринмоқда: Қўшма Штатлар атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишга интилмоқда, деб чалғитмоқчи бўлади, ҳақиқатда эса, Қўшма Штатлар атом қуроллари блан зўр бериб қуролланишни ва атом урушига тайёргарликни кучайтирмоқда.

Президент Эйзенхауэр яна мақтаган «халқаро орган» нинг ҳақиқий вазифаси шундан иборат.

Сил касаллигига қарши эмлаш масаласига бағишланган халқаро илмий конференция

ВАРШАВА, 8 сентябрь. (ТАСС). Сил касаллигига қарши эмлаш масаларига бағишланган халқаро илмий конференция Варшавада ўз ишини тамомлади. Конференцияда Совет Иттифоқи, Франция, Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакия ва Руминия олимларининг делегациялари қатнашди.

Конференция уч кун давом қилди. Конференция қатнашчилари сил касаллигига қарши эмланадиган дори-дармонларни ишлаб чиқариш ҳамда шу дори-дармонларни қўлланиш методларига доир масалаларни муҳокама қилдилар. Конференция томонидан қабул қилинган бирқанча таклифларда айниқса болалардаги сил касаллигига қарши курашиш мақсадида уларни эмлашнинг жуда муҳимлиги кўрсатилади.

Шахмат бўйича жаҳон команда биринчилиги учун мусобақалар

АМСТЕРДАМ, 8 сентябрь (ТАСС махсус мухбири). Учинчи даврадаги ўйинларда совет командаси Австрия шахматчилари блан ўйнади. Австрия шахматчилари ғоят тиришиб ўйнадилар ва жиддий қаршилик кўрсатдилар.

Смислов Робачни, Керес Прамесхуберни ютди. Бени—Бронштейн ва Локвенч—Геллер ўйинлари дуранг бўлди.

Шундай қилиб, матчни СССР командаси 3 : 1 ҳисоби блан ютиб чиқди.

Уч даврадан кейин 12 очкодан 11 очко олган совет шахматчилари ўзларининг ярим финал группасида биринчи ўринда бормоқдалар.

Чала қолган ўйинлар бугун ўйналиб бўлгандан кейин қолган группалар матчларининг натижалари ма'лум бўлади.

Редактор ўринбосари
М. КОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 10/IX да **Қутлуғ қон**, 11/IX да **Бир севги афсонаси**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги бинoси) — 10/IX да **Тоҳир ва Зуҳра**, 11/IX да **Фарҳод ва Ширин**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз **Мени кутгил**, кечқурун янги бадиий фильм **Алеко**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Алеко**.

«ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», ТИКУЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ — **Мени кутгил**.

НАВОИЙ номли — кундуз **Мени кутгил**, кечқурун **Александр Невский**.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли — **Инженер Кочининг хатоси**.

«ИСКРА», «ВАТАН» — **Мени кутгил**.

«9-НЧИ МАЙ» — **Аршин мололон**.

НАВОИЙ номли — **Алеко**.

ПУШКИН номли — **Георгий Саакадзе** (иккала серия).

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Янина**, кечқурун: 1) **Каспий нефтьчилари ҳақида кисса**, 2) **Гипноз сеанси**.

„Тошкент ҳақиқати“
ва
„Ташкентская правда“
ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА
октябрь ойи учун ва 1954 йилнинг охиригача
обуна қабул қилиш давом этмоқда
Айрим кишилардан обуна муассаса ва ташкилотлардаги обуна пунктларида, шунингдек почта ва «Союзпечать» бўлимларида қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р 07926. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1483.